БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 100 (331)

21 МАЙ ШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Молия министрлигининг ахбороти (1-нчи бет).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Областимизда (1-нчи бет).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ОҒИР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА: **Ички резервлардан тўла фойдаланайлик!** (2-нчи бет).

Ғўзани тез ривожлантириб, уни эрта шоналашга киритайлик! Б. Халилов. — Бекободдан гапирамиз (3-нчи бет).

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Ахбороти (3-нчи бет).

ЁЗУЧИ ОЙБЕКНИНГ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН: **Уткир Рашид.** — Ўзбек совет поэзиясининг йирик вакили (3-нчи бет)

А. Пўлат. — Ленин кунларига бағишланган киножурнал (4-нчи бет).

Польша сейми саккиз давлатнинг Варшава шартномасини ратификация қилди (4-нчи бет).

Дания блан СССР ўртасида ҳамкорлик жамиятининг тантанали йиғилиши (4-нчи бет).

СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонасининг БМТ бош секретарига мактуби (4-нчи бет).

СССР Молия министрлигининг ахбороти

32 миллиард сўмлик қилиб чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёми (1955 йилги чиқарилиши) 18 май кунининг охиригача 34 миллиард 276 миллион 973 минг сўм миқдорида тарқатилди.

СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига асосан, СССР Молия министрлиги заёмга ёзилишни 1955 йил 20 майдан бошлаб ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисида фармойиш берди.

СССР Молия министри А. ЗВЕРЕВ.

1955 йил, 19 май.

Совет ватанпарварлигининг ёрқин намойиши

Бугун газетамизда СССР Молия министрлигининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёмига (1955 йилги чиқарилиши) ёзилиш тугалланганлиги ҳақидаги Ахбороти э'лон қилинмоқда. 32 миллиард сўм миқдорида чиқарилган янги Давлат заёми 18 май кунининг охиригача 34 миллиард 276 миллион 973 минг сўм миқдорида тарқатилган. Янги заёмга ёзилиш ҳамма жойда 20 майдан бошлаб тўхтатилган.

Янги Давлат заёмининг зўр муваффақият блан тарқатилганлиги совет кишиларининг юксак ватанпарварлигини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкам жипслашганликларини, коммунизм ишига бениҳоя садоқатини ёрқин намойиш қилди. Ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигентларининг янги заёмга ёзилишга бағишланган кўпкишилик йиғилишлари ва митинглари меҳнаткашларнинг актив иштирокида зўр ҳушчақлик ва бирдамлик блан ўтди. Бу йиғилиш ва митингларда сўзга чиққан нотиқлар партия ва ҳукуматимизнинг сиёсатини якдиллик блан қўллаб-қувватлаётганликларини, бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қат'ий қарор берганликларини айтдилар.

— Ҳаммамиз Совет ҳукуматининг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини қизғин ма'қуллаймиз,—деди «Ташкенткабель» заводининг ишчиси ўртоқ Жалил Розиқов, — Бизнинг меҳнат жамғармаларимиз Ватанимиз иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беришини яхши биламиз. Янги заём маблағлари оғир саноатнинг муҳим тармоқларини янада ривожлантиришга сарфланади. Заводимиз коллективи меҳнат соҳасидаги ютуқларини янада кўпайтириб, бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашади. Куйбишев ГЭСи учун шлангли кабельлар, кўмир саноати корхоналари учун троллейбус симлари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ярим йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди.

Капиталистик мамлакатларда зўр бериб қуролланиш ва янги урушга тайёргарлик кўриш учун кўплаб маблағ сарф қилинаётган бир пайтда, Совет давлатининг бюджети тинч социалистик қурилиш ишларига, коммунизмнинг янги буюк иншоотларини барпо этишга қаратилгандир. Бизнинг бюджетимиз—тинчлик ва фаровонлик бюджетидир. Совет кишисининг давлатимизга қарз тариқасида берадиган ҳар бир сўми социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни тез сур'атлар блан юксалтиришга, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин равишда ривожлантиришга, миллионлаб гектар қўриқ ерларни ўзлаштиришга, янги МТС ва совхозлар барпо қилишга сарфланади. Совет кишилари жуда яхши биладиларки, янги заёмдан тушган маблағлар халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва халқнинг моддий аҳволини тобора яхшилаш ва маданий савиясини юксалтириш тадбирларига хизмат қилади, улуғ социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет халқи шонли Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида зўр ишонч блан коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға бормоқда. Коммунизм учун курашда социалистик саноат ва биринчи навбатда оғир индустрия ҳал қилучи роль ўйнайди. Оғир индустрия бутун халқ хўжалигимизни юксалтиришнинг, коммунистик мўл-кўлчиликнинг манбаи, Ватанимиз қудрати ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизидир. Бешинчи бешйилликнинг сўнгги якунловчи йили бўлган 1955 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1950 йилдагига нисбатан 80 процент ортади. Беш йил мобайнида оғир саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш янада кўпаяди. Ҳозирлаётган ишонч блан зайтиш мумкинки, бешйиллик план саноат бўйича муддатидан илгари бажарилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Иттифоқ ҳукумати социалистик индустрияни янада кенг миқ'ёсда юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар ва оғишмай амалга оширмоқдалар. Ватанимиз пойтахти—Москвада яқинда бўлиб ўтган саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши оғир саноатни янада ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни бутун халқимиз якдиллик блан қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта тасдиқлади. Янги заёмдан келадиган маблағлар социалистик халқ хўжалигимизга янада кўпроқ металл, кўмир, нефть, электр қуввати етказиб бериш учун, уларни янги, энг мукаммал ва юксак унум блан ишлайдиган машиналар блан етарли миқдорда та'минлаш учун, меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун сарфланади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қароридан илҳомланган колхозчи деҳқонларимиз социалистик қишлоқ хўжалигини кескин равишда ривожлантириш юзасидан чизиб берилган улуғвор программани зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан амалга оширмоқдалар. Партия Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган вазифалар илгари мўлжалланганидек 6 йил ичида эмас, балки 3—4 йил ичида бажарилади, деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор. Буни дон экинлари экилган майдонларнинг кескин равишда кўпайтирилганлиги, қўриқ ва бўз ерларнинг муваффақиятли равишда ўзлаштирилаётганлиги, маккажўхори майдонларининг тобора кенгайтирилаётганлиги яққол исбот этади.

Коммунизм ижолкорлари бўлган совет кишилари янги заёмга юксак ватанпарварлик руҳи блан аҳил бўлиб ёзилганликларини ижодий меҳнат соҳасидаги янги муваффақиятлар блан, улуғ коммунистик қурилишда янгилан-янги ғалабаларни қўлга киритиш блан мустаҳкамлашлари керак.

Янги Давлат заёмига ёзилишда зўр ҳушчақлик ва бирдамлик кўрсатган областимизнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва колхозчи деҳқонлари янада зўр ғайрат блан ишлаб, ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун кураш олиб боришлари керак. Саноат корхоналарининг коллективлари бешинчи бешйиллик топшириқларини ва саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг миқёсда қизитиб юборишлари лозим. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашнинг ҳозирги мас'улиятли ва ҳал қилучи даврида бутун куч ва воситалар ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатиб, дала ишларини юқори сифатли ўтказишга қаратилиши керак.

Ўзининг юксак ватанпарварлигини, зўр ҳушчақлигини, партия ва ҳукуматга чексиз садоқатини бирнеча марта намойиш қилган областимиз меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида бундан буён ҳам коммунизм қурилишининг янги улуғвор вазифаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ М. И. Лебедевни Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Ўртоқ М. И. Лебедев туғилган кунга етмиш йил тўлганлиги муносабати блан ва унинг революцион ҳаракатда актив қатнашганлигини тақирлаб, ўртоқ Михаил Иванович **Лебедев Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1955 йил 18 май.

Областимизда

Колхоз раислари қилиб тавсия этиладиган ходимлар курси

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан Тошкент қишлоқ хўжалик институти ҳузурида Партия ва Ҳукуматимизнинг чақириғига жавобан колхозларга бориб ишлашга истак билдирганлар учун уч ҳафталик курс ташкил этилди. Курсда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Наманган ва республикамизнинг бошқа областьларидан келган 200 га яқин киши ўқимоқда.

Булар орасида Оҳангарон район 1-нчи МТСининг бош агрономи Оқил Набиев, Тошкент тўқимачилик институтининг ассистенти Тоир Акаметов, область партия комитетининг инструктори Орифжон Ҳасанов, Сеюз НИХИ ходими Йўлдош Ҳасанбеков, Паркент район ижроия комитетининг раиси Акбаров ўртоқлар бор. Курс ўқучилари учун барча қулайликлар мавжуд. Бу ерда ўтказилаётган машғулотлардан ташқари турли лабораториялар ҳам ишлаб турипти.

Курс ўқучилари машғулотлар бошланган дастлабки кунда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Муҳамаджонов, қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосарлари Энгрен, Кичанов ўртоқларнинг лекцияларини тингладилар. Шунингдек тўқимачилик институтининг доценти, техника фанлари кандидати Бутковский «Оғир индустрия — халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг негизидир», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ғончилик бўлимининг бошлиғи Солянко «Ғалла хўжалигини ривожлантириш», қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Исамуҳамедов «Сабзавот ва картошка ҳамда боғдорчиликни ривожлантириш вазифалари» деган темаларда лекция ўқидилар.

ҚИЗИҚАРЛИ ЭКСКУРСИЯЛАР

Яқинда Янгийўл районидаги 6-нчи тўлиқсиз ўрта мактабнинг 7-нчи синф ўқучилари мактаб директори А. Бўронов, физика-математика ўқитучиси З. Низомов раҳбарлигида райондаги 2-нчи МТС ва 2-нчи Бўзсув ГЭСига экскурсияга бордилар.

2-нчи МТС инженери ўртоқ Романовский экскурсантларни станциядаги 8 та цехнинг ишлари блан таништирди ва электр тракторга механизмларнинг ишлашини кўргазма асосида гапириб берди.

2-нчи Бўзсув ГЭСига уюштирилган экскурсиядан ҳам ўқучилар физика фанига оид кўпгина нарсаларни билиб қайтдилар. ГЭС инженери ўртоқ А. Маслинников экскурсантларни механик энергиянинг электр энергиясига айланиши, ўзгармас ва ўзгаручан токнинг ҳосил бўлиши ва оғир детальларни юк кранлари блан бир жойдан иккинчи жойга кўчириш йўллари блан таништирди. Бундан ташқари ўқучилар амперметр, вольтметр, аккумулятор ва электр моторларининг ишлашини кўздан кечирдилар.

Бу экскурсиялар ўқучиларнинг физика фанидан олган назарий билимларини тажрибада кўриб мустаҳкамлашларига катта ёрдам берди.

Ю. АБДУВАЛИЕВ.

Ярим йиллик план 152 процент бажарилди

Сирдар'ё районидаги ўқиш ва ишлабчиқариш корхонасининг коллективи бешйиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари ички резервлардан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, технология процессларини тобора такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтирмоқдалар. Натижада корхона бир ме'ёрда ишлаб, ойлик ва квартал топшириқларини маҳсулотнинг барча турлари бўйича ошириб бажармоқда. Ишчан коллектив биргина апрель ойининг ўзидаёқ пландан ташқари 211 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу йилги 6 ойлик план эса 3 ой 25 кунда 152 процент қилиб бажарилди.

Корхонада цехлараро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Мусобақада Котельников ва Бойтишев ўртоқлар бошлиқ арқон тўқиш ҳамда қамиш цехлари олдинда бормоқдалар. Қамиш ишлабчиқариш цехининг ишчилари 4 ойда ярим йиллик топшириқни 190 процент қилиб бажариб, тланда кўрсатилгандан ташқари 10,5 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Корхонанинг арқон тўқиш, пийма тайёрлаш ва қамиш цехи ишчиларидан Лаханов, Ботирова, Корочкин, Суфиянов, Давлатов ва Пиримқулов ўртоқлар сифатли маҳсулот ишлабчиқармоқдалар ва смена топшириқларини 130 — 160 процентдан бажармоқдалар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Ишлабчиқаришдаги ёш илғорларнинг слёти

Тошкентда ишлабчиқаришдаги ёш илғорларнинг шаҳар слёти бўлди.

Докладчи — шаҳар комсомол комитетининг секретари А. Шчербаков ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар қайд қилиб ўтдиларки, республика пойтахтидаги корхона ва қурилишларда мингларча ёш ишчилар меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар, давлат планларини муддатидан илгари бажариш, янги техникани муваффақиятли ўзлаштириш учун бўлаётган мусобақада актив қатнашмоқдалар. Шаҳардаги завод ва фабрикаларда комсомол-ёшлардан иборат 865 бригада тузилган, улардан деярлик ярми «А'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи бригада» деган фахрли номни олган. Ўтган йили 28 та йирик корхонанинг ўзидагина комсомоллардан ва ёшлардан якки мингдан кўпроқ рационализаторлик таклифи тушди.

Кўпгина ёш ишчилар меҳнатнинг прогрессив методларини ишлабчиқаришга жорий қилишда ташаббус кўрсатмоқдалар. Масалан, Тошкент темир йўл узелининг комсомоллари — станция бўйича навбатчи Александр Каграмонов, маневр диспетчири Владимир Лейтнер ва торозибон Нариман Мақсумов поездларни жўнатишга тез тайёрлаб беришда ташаббускор бўлдилар. Тошкент экскаватор заводида новаторлардан технолог-инженер Юрий Ломоносов ва слесарьлардан Алексей Скрей ҳамда Антон Горшневларнинг таклифи блан саккизта детальни айни бир вақтда чархлаш учун махсус агрегатлар ўрнатилди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни тайёрлашга меҳнат сарфлашни анча камайтириш имкониятини берди.

Шу блан бирга слёт қатнашчилари уқтириб ўтдиларки, ҳамма комсомол ташкилотлари ҳам ёш ишчиларнинг мусобақасига ана шундай раҳбарлик қилиб турибдилар деб айтиб бўлмайди. Кўпинча мусобақа шавқин-сурондан иборат бўлиб қолмоқда. Комсомол ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд техникадан яхши фойдаланиш, кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш учун курашишга ёшларнинг кучини сафарбар қилмаётир.

Слётда ишлабчиқариш илғорларига Ўзбекистон ЛКСМ МК фахрий ёрлиқлари, шунингдек Тошкент область комитетининг Ҳурмат дафтаридан кўчирган нусхалар ва шаҳар комсомол комитетининг тақдирномалари топширилди. (ЎзТАГ).

ЁЗУЧИ ОЙБЕК ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Верхне-волинск районидаги Жданов номли мактаб коллективи ёзучи Ойбекнинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятига 30 йил тўлиши муносабати блан ўтказиладиган юбилейга қизғин тайёргарлик кўраётир.

Мактаб ва колхозлардаги кутубхоналарда ёзучи Ойбекнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган виставка ташкил қилиниб, бу виставкага ёзучининг ҳаётига оид ҳужжатлар ва асарлар қўйилган.

Яқинда ўқучилар колхозчи комсомоллар блан биргаликда Ойбекнинг ижодий фаолиятига бағишланган адабий кеча ўтказдилар. Кечада 7-нчи синф ўқучиси Юсуф Жўраев Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романидаги образлар ҳақида, 6-нчи синф ўқучиси Қонсулув Оқилова «Қутлуғ қон» романидаги хотин-қизлар образи ҳақида доклад қилдилар.

Кеча охирида ўқучилар Ойбекнинг «Ўзбекистон», «Днепрострой», «Зафар бизники» каби шеъ'рларини ёддан ўқиб бердилар.

С. РАВШАНОВ.

АВТОБУС ҚАТНОВИ ЯХШИЛАНДИ

Яқинда Мирзачўл шаҳрида Мирзачўл—Сирдар'ё ва Мирзачўл — Гулистон маршрутлари бўйича автобус қатнови бошланди. Бу маршрут Сирдар'ё ва Гулистон районларини Мирзачўл шаҳри блан боғлайди. Автомашиналар қатнови ўтган йилга нисбатан 4 марта оширилиб, бу районларга қатнаб ишловчилар ва пассажирлар учун анча қулайлик туғдирилди.

Қисқа муддат ичида автотранспорт машинаси 30 мингдан ортиқроқ пассажирларни ташиди. Шунингдек иккита енгил «Победа» таксиси ҳам районлараро қатнаб турипти.

Автобус машиналар учун автопарк ташкил этилди.

Ғ. ҚУЗИЕВ.

Муваффақиятларимизни мустаҳкамлаймиз

КПСС Марказий Комитети мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Партия чақириғига жавобан социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш умумхалқ курашига айланиб кетди. Бу улуғ мақсадни муваффақият блан амалга ошириш вазифалари саноат корхоналари, даставвал қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг коллективлари зиммасига жуда катта мас'улиятни юклайди.

Ўтган йили Тошкентда пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган кенгаш қатнашчилари, бизга, машинасозларга бирқанча жиддий, ўринли э'тирозларни билдирдилар. Ана шу э'тирозлар асосида заводимиз коллективи ўз ишини ҳозирги юксак талаблар асосида қайта қурабошлади. Коллективимиз кўклам экиш кампаниясигача пахтакорларимизга бирнеча минг дона чигитни квадрат-уялаб экучи сеялкалар етказиб берди. Шу кунларда завод коллективи чигитни бирйўла олти қаторга квадрат-уялаб экучи «СКХГ—6» сеялкасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун курашмоқда.

Корхоналардаги барча цехлар, участкалар ва сменалар ўртасида қишлоқ хўжалик заказларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Заводнинг 5-нчи цех ишчилари ҳарқачонгидан ҳам унумли меҳнат қилиб, мусобақада олдинги қаторда бормоқдалар.

Биз меҳнатни ва ишлабчиқаришни ташкил этишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Бу эса ўз навбатида мавжуд ишлабчиқариш майдони ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини тинмай оширабориш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш имкониятини бермоқда. Шунинг учун ҳам биз ойлик топшириқларни маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича доимо ортиғи блан бажариб келмоқдамиз.

Корхона касаба союз комитети цехлараро социалистик мусобақа натижаларини кўриб чиқиб, ишлабчиқаришда энг яхши кўрсаткичларга эришганлигимиз учун бизга кўчма Қизил байроқни топширди. Бу эса ўз навбатида бизни меҳнатда янги ғалабаларга илҳомлантирди. Коллектив қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириб юборди. Цех иқтисодий кўрсаткичини янада яхшилаш мақсадида ишлабчиқаришда бой тажрибага эга бўлган илғор ишчилар қолоқ ишчиларни оталикка олдилар. Цех партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллектив ўртасида сиёсий-оммавий ишларни қизитиб юбордилар. Илғор иш усуллари деворий газета ва «Молния»лар орқали кенг оммалаштирилаётир.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ижобий натижаларга эришдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ цехнинг 23 ишчиси бешинчи бешйиллик топшириқни бажарди ва келгуси бешйиллик ҳисобига маҳсулот бермоқда. Жумладан, Расулев, Ярулина ва Анохон каби ўртоқлар шу бешйилликнинг ўтган 4 йили ичида 6—7 йиллик нормани бажардилар. Цех коллективи сеялкалар учун 2000 та узел тайёрлаб бериши керак эди. Биз бу топшириқни муддатидан 12 кун илгари шараф блан бажардик.

Қўлга киритилаётган бу муваффақиятларда рационализатор ва ихтиро'чиларимизнинг ҳиссаси каттадир. Улар технология процессларини такомиллаштириш асосида ишлабчиқариш процессларидаги ортиқча операцияларни қисқартиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беручи кўпгина таклифлар киритмоқдалар. Цех рационализаторлик ва ихтиро'чилик бюросининг планига мувофиқ шу йилнинг бир кварталида 12 таклиф тушиши керак эди. Амалда эса 30 га яқин таклиф тушди. Энг яхши рационализаторларимиздан токарь Петров, мастер Бахмутский ўртоқлар ишлабчиқариш маданиятини ошириш имкониятини беручи бирнечтадан таклиф киритдилар.

Биз ички резервлардан унумли фойдаланишнинг янгидан-янги йўлларини қидириб топмоқдамиз. Бу соҳада коллективнинг ишлабчиқариш кенгашлари бизга жуда катта ёрдам бермоқда. Бундай кенгашларда ўтган давр ичида қилинган ишларга якун ясалади, йўл қўйилган камчиликлар коллектив ёрдамида очиб ташланади, уни тугатиш йўллари биргаликда белгиланади.

Коллективимиз завод ма'мурияти ва касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб қолиш учун бундан кейин ҳам астойдил курашади.

Л. СТОРОЖИК,
«Узбексельмаш» заводи 5-нчи цехнинг бошлиғи.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

ФИЗИОЛОГЛАР, БИОХИМИКЛАР ВА ФАРМАКОЛОГЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ VIII С'ЕЗДИ

КИЕВ, 19 май. (ТАСС). Бугун буерда физиологлар, биохимиклар ва фармакологларнинг Бутуниттифоқ VIII се'зди очилди. С'езд ишларида барча қардош совет республикалари физиология фанининг йирик намояндалари, шунингдек Австрия, Англия, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Дания, Хитой, Мўғулистон Халқ Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия, Швеция, Югославия, Япония олимлари қатнашмоқда.

Киев академик опера ва балет театрининг залида делегатлардан ташқари яна жуда кўп меҳмонлар — фан ва маданият арбоблари, врачлар, олий ўқув юртларининг ўқитучилари, саноат корхоналарининг вакиллари, партия, совет ва касаба союз органларининг ходимлари ҳам ўтирибди.

Украина ССР фанлар академиясининг президенти академик А. В. Палладин ўзининг кириш нутқида 1947 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ VII с'езидан кейин ўтган вақт ичида совет физиологлари, биохимиклари ва фармакологлари анча муваффақиятларга эришганликларини айтиб ўтди.

Академик Палладин чет мамлакатларнинг с'езда ҳозир бўлган олимларини қизғин табриклаб, уларнинг с'езд ишида қатнашаётганликлари барча мамлакатлар ўртасидаги илмий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда фанни ривожлантириш, прогресс ва тинчлик иши фойдасига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Сўнгра с'езднинг президиуми, мандат комиссияси ва секретариати сайланди.

С'езд қатнашчилари с'езднинг фахрий президиумига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети президиумини катта хурсандлик блан сайладилар.

Академик К. М. Биков (Ленинград) «кортико-висцералк ўзаро муносабатлар физиологияси ва патологияси проблемасининг янада ривожланиши» деган темада доклад қилди.

С'езд ўн кун давом қилади. С'езда 300 га яқин доклад тинглади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

СССР Олий та'лим министрлиги олий ўқув юртларига қабул қилишнинг янги қоидаларини тасдиқлади. Қишлоқ хўжалик институтлари, ўқитучилар институтларидан ташқари ва ўқитиш миллий тилларда олиб бориладиган иттифоқчи республикаларнинг институтларидан ташқари ҳамма олий ўқув юртларида бу йилдан бошлаб чет тилларидан биридан кириш имтиҳони олинадиган бўлади. Сиртқи ва кечки институтларга ва бўлимларга ўқишга киручилар чет тилдан олинадиган имтиҳондан озод қилинадилар.

Филология факультетлари ва бўлимларидан ташқари ҳамма олий ўқув юртларига киришда рус тили ва адабиётидан оғзаки имтиҳон олиш бекор қилинади.

Шу вақтгача олий мактабга 17 ёшдан кам бўлмаган кишилар қабул қилинар эди. Янги қоидалар ёшнинг бундай чекланишини бекор қилди.

Сиртқи ва кечки олий ўқув юртларига киручиларнинг қандай ишда ишлаётганликларига қаттиқ э'тибор қилинади. Масалан, бинокорлик ўқув юртларига фақат қурилиш саноатининг ходимлари, педагогика ўқув юртларига ўқитучилар қабул қилинади ва ҳоказо. Фақат бўш қолган жойлардагина бошқа касбдаги ходимлар қабул қилиниши мумкин, шунда ҳам, уларнинг ўқишга киргандан кейин дастлабки уч йил давомида янги ихтисосдаги ишга кўчишга розилик беришлари шарт. (ТАСС).

МОЛДАВИЯ МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

КИШИНЕВ, 19 май. (ТАСС). Молдавия колхозлари маккажўхори экиш планини бажардилар. 15 майгача 427 минг гектар ерга маккажўхори экилди. Бундан ташқари, 20 минг гектарга яқин ерга маккажўхори кўклигида фойдаланиш учун экилди. Маккажўхори майдони ўтган йилдагига нисбатан 116 минг гектар кенгайди. Маккажўхори экиш давом этмоқда.

Маккажўхори асосан квадрат-уялаб экилди. Катта майдонларда уруғ текис униб чиқди. Колхоз ва МТСлар экиларнинг қатор ораларини ишлашга киришдилар.

«ВОЛЧАНСКУГОЛЬ» ТРЕСТИ БЕШ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

СВЕРДЛОВСК, 19 май. (ТАСС). Бугун «Волчанскуголь» трестининг шахтёрлари кўмир чиқариш юзасидан беш ойлик планни бажардилар. Кучли экскаваторлардан яхши фойдаланилганлиги, лентали транспортерлар ва бошқа механизмлар дистанцион усулда бошқаришга кўчирилганлиги натижасида бир суткада ўртача кўмир чиқариш миқдори ўтган йилдагига нисбатан деярлик икки эшелон ортди. Трест кўмир таннархини камайтиришдан тўрт ой ичида пландан ташқари 1 миллион 634 минг сўм маблағ тежади.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ОҒИР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

Мамлакатимиз меҳнаткашлари бутун халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг, халқ моддий ва маданий фаровонлигини оширишнинг, Ватанимиз қудратини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган партия ва ҳукуматнинг сиёсатини муваффақият блан амалга оширмоқдалар.

Кўмир саноати — оғир саноатнинг муҳим тормоқларидан бири ҳисобланади. Оғир индустрияни янада ривожлантиришда кўмир саноати жуда катта роль ўйнайди. Кўмир саноати бўлмаса, деб ёзган эди В. И. Ленин, ҳозирги замоннинг ҳечқандай саноати, ҳечқандай фабрика ва заводлари бўлиши мумкин эмас. Кўмир—бу саноатнинг энг зарур озигидир.

Ўзбекистон шахтёрлари саноатимиз ва халқ хўжалиги учун тобора кўпроқ ёқилғи етказиб беришда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдилар. Броқ, эришилган ютуқлар қанчалик катта бўлмасин, ҳали корхоналардаги мавжуд резервлардан ҳамда ички имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланилаётгани йўқ. Яқинда Москвада бўлиб ўтган саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида бу масала кенг ва ҳартарафлама муҳокама қилинди.

Биз қуйида «Узбекуголь» трестига қарашли корхоналар иши ҳақидаги материалларни босаётирмиз.

Суратда: 1. Оҳангарон кўмир ҳавзасининг илғор ишчиларидан бир группаси (чапдан ўнгга биринчи қаторда): новалоотбойшчик **Э. Бойматов**, мотористка **Г. Дилмуҳамедова**, проходчик **Г. Дорохов**, машинист **А. Кашин**; (иккинчи қаторда): старший машинист **К. Мороз**, проходчик **П. Иванов**, запальщик **М. Пирмқулов** ўртоқлар. 2. Очиқ разрезда экскаватор блан составларга кўмир ортиш пайти.

В. Салов фотоси.

Дастлабки муваффақиятлар

Бутун мамлакатимиз кўмир саноати блан бирқаторда республикамизнинг кочегаркаси ҳисобланган Оҳангарон кўмир ҳавзаси ҳам йил сайин юксалмоқда ва ривожланмоқда. Улуғ Ватан уруши йилларида қурилиб, ишга туширилган Оҳангарон кўмир кони қисқа муддат ичида Ўрта Осиёдаги энг йирик ва илғор кўмир ҳавзасига айланди.

Оҳангарон шахтёрлари кўмир қазиб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва Ўзбекистон ҳамда қардош Ўрта Осиё республикаларининг ёқилғига нисбатан тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини мумкин қадар тўла қондириш учун қўшимча имкониятларни излаб топиш ва улардан фойдаланишда дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдилар. Буни қуйидаги диаграммада аниқ кўриш мумкин:



Бешйилликда кўмир қазиб чиқаришнинг ўсиши.

«Узбекуголь» трестининг корхоналари мамлакатимизда тайёрланган янги ва мукаммал тоғ техникаси, жумладан кучли экскаваторлар, бульдозерлар, лентали транспортёрлар ва бошқа хил механизмлар блан тобора кўпроқ та'миналанмоқда. Буларнинг ҳаммаси шахтёрлар меҳнатини ниҳоят даражада енгиллаштирмоқда. Партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрликларидан руҳланган Ўзбекистон шахтёрлари ғайрат блан ишлаб, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Трест бўйича кўмир қазиб чиқариш йил сайин кўпаймоқда.

Ҳозир Оҳангарон кончилари бутун Ўрта Осиёда қазиб олинаётган кўмирнинг 40 процентини бермоқдалар.

Ўзбекистон шахтёрлари Сталино области кўмир саноати корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда хизматчиларининг Совет Иттифоқидаги кўмир саноатининг барча ходимларига қарата чиқарган Мурожаатига жавобан ички резервларни қидириб топиш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бутун коллективнинг ягона бир мақсад йўлида ақиллик блан олга қараб интилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Трест коллективи шу йилнинг 4 ойлик топширигини муддатидан бирнеча кун илгари бажарди ва пландан ташқари бирнеча ўн минг тонна кўмир берди. Меҳнат унумдорлигининг тобора ортаборши натижасида маҳсулот таннархи камаймоқда. Меҳнат унумдорлиги 1951 йилдагига нисбатан 1954 йилда 17 3,4 процентгача етди, маҳсулот таннархи эса 59,8 процентга камайди.

Айниқса кўмир разрезининг коллективи катта муваффақиятларни қўлга киритди. 1954 йилдаёқ кўмир қазиб чиқаришда бешинчи бешйилликнинг охирги йили—1955 йил учун белгиланган даражага эришилди.

мамлакатимиздаги шахта ва разрез коллективлари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун кўмир разрезининг коллективи ВЦСПС ва СССР Кўмир саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини ва биринчи даражали пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозир «Узбекуголь» трестининг ишлабчиқариш программасидаги 80 процентдан ортиқ ёқилғини разрез коллективи бермоқда. Коллектив ўзининг ажойиб ишлабчиқариш новаторлари блан ҳақли равишда фахрланади. Донгдор экскаватор машинистларидан Х. Алиқулов, Н. Хорошилов, Н. Халилов, А. Греднев, О. Абляметов ва бошқа ўртоқларнинг номлари фақат республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги разрез ва шахта коллективларида ҳам машҳурдир. Ўз ишларининг моҳир усталари ҳисобланган бу илғорлар тоғ техникасидан тўла ва унумли фойдаланишда бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар.

Навбатдаги вазифалар

Шубҳасиз, Ўзбекистон шахтёрлари йил бошидан бери бешинчи бешйилликнинг охирги ва якунловчи йили бўлган 1955 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, анчагина ютуқларни қўлга киритдилар. Лекин тобора ривожланиб бораётган халқ хўжалигимизнинг кўмирга бўлган талаби жуда катта бўлишига қарамай, ёқилғи қазиб чиқаришнинг ўсиш сур'ати кейинги йилларда, айниқса, 1955 йилда жуда кам белгиланган. Ҳаётдан ажралиб қолган ба'зибир олимларнинг гўё, Оҳангарон кўмирини саноатда ҳам, темир йўл транспортида ҳам ишлатиш мутлақо мумкин эмас, унинг калорияси жуда паст, шу сабабли Оҳангарон кўмирини фақат ва фақат аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланса бўлади, деб консерватив руҳда қилган асоссиз да'воларига қарама-қарши ўлароқ Тошкент паровоз депосининг илғор машинистлари бу кўмирни Қарағанда кўмирига аралаштирмасдан соф ҳолда паровозларда ишлатиш мумкин эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Оҳангаронда кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш юзасидан бешинчи бешйиллик планда кўрсатилган ўсиш сур'ати халқ хўжалигининг тобора ўсиб бораётган талабларини қондираолмаётир. Фикримизнинг исботи учун Тошкент областида жойлашган саноат корхоналари ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида темир йўл Тошкент бўлимига Иттифоқимизнинг бошқа районларидан келтирилиб туширилаётган кўмир миқдорининг Оҳангарон ҳавзасидан келтирилаётган кўмир миқдорилан икки баравар кўплигини кўрсатиш мумкин. Саноат ва аҳоли учун мамлакатимизнинг бошқа районларидан келтирилаётган кўмир учун йилига 5—6 миллион сўм сарфланмоқда. Бунинг устига темир йўл транспортидаги вагонларнинг узоқ вақт банд бўлиши туфайли бошқа жойлардан кўмир келтириш учун сарфланаётган маблағ миқдори тобора ортиб бормоқда. Агарда Оҳангарондан келтирилаётган ёқилғи миқдорини ошириш ҳисобига ҳар йили бирнеча минг вагонни узоқ районлардан кўмир ташишдан бўшатилса, республика саноати учун зарур бўлган хомаш'ё, ёғоч ва бошқа хил қурилиш материаллари келтиришни бирмунча ошириш имконияти тутилар эди. Шу сабабли Оҳангаронда кўмир чиқаришни кескин суратда кўпайтириш республикамиз халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий фойда беради.

Шунингдек, Оҳангарон ҳавзасида кўмир қазиб чиқаришнинг бошқа конларга қарағанда яна бирқанча ўзига хос устунликлари бор. Жумладан, бу ердаги ёқилғи асосан очиқ усулда қазиб олинади. Олимларимизнинг ҳисобларига кўра, кўмир разрезини қуриш шахталар қуришга нисбатан 1,5—2 марта арзонга тушади. Бунинг устига кўмир разрези қурилишига шахта қуришга нисбатан 2 — 3 марта кам вақт сарфланади. Кўмир очиқ усулда қазиб олинганда, унинг таннархи шахтадан қазиб олинаётган ёқилғига нисбатан 3 марта камаяди ва меҳнат унумдорлиги 5 марта ошади. Ана шу иқтисодий афзалликлар э'тиборга олиниб, якин бирнеча йиллар ичида Оҳангаронда кўмир қазиб чиқаришни 1955 йилда эришилган даражадан 3—4 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Кўриниб туриптики, Оҳангарон шахтёрлари олдига қўйилган вазифа жуда катта ва мас'улиятлидир. Бу вазифани шараф блан бажариш учун «Узбекуголь» трестининг раҳбарларидан жуда катта ташкилотчилик кўрсатиб ишлашлари талаб қилинади. Трест коллективи дастлабки муваффақиятларни қўлга киритган бўлса ҳам, броқ ҳали кўмир чиқаришни янада кўпайтиришга имкон беручи ҳамма ички резервлардан тўла фойдаланаётир деб айтиб бўлмайди.

Бирхил техникада икки хил кўрсаткич

Ма'лумки, ҳарбир саноат корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кескин суратда кўпайтириш, унинг сифатини яхшилашда янги техника ва илғор технологияни ишлабчиқаришга дадиллик блан жорий қилиш, қўл кучи блан бажариладиган ишларни ҳамда оғир иш процессларини комплекс равишда механизациялаш ва шу асосда технология процессларини тобора такомиллаштириш ҳал қилучи роль ўйнайди. Бу тадбирларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, тайёрланаётган маҳсулотнинг таннархини доимо камайтирабориш имкониятни беради.

Броқ, шуни э'тироф этиш керакки, Ўзбекистон шахтёрлари бу соҳада мамлакатимиздаги илғор кўмир корхоналари коллективларидан анча орқада қолмоқдалар. Кўмир қазиб чиқаришни янада кўпайтириш имкониятини беручи ҳамма ички резерв ва имкониятлардан ҳозирги талаблар даражасида фойдаланилмаётир. Жумладан, мавжуд бой техникадан Иттифоқимиздаги илғор кўмир корхоналаридагига қарағанда жуда кам фойдаланилмоқда.

Агарда трест ишлабчиқариш планига қараб фикр юритиладиган бўлса, ҳамаёқ яхши: деярли ҳамма корхоналар давлат планларини ойма-ойига ва йилма-йилига бажарибгина қолмай, балки ошириб бажариб келмоқдалар. Броқ жуда катта ички резервлар фойдаланилмай қолиб кетмоқда. Масалан, ҳарбир экскаваторнинг бир йилдаги ўртача иш унумдорлиги кон устини очиш разрезида 630 минг кубометр, кўмир разрезида 350 минг тоннани ташкил қилади. Ваҳоланки, Ўрол ва Қарағандада худди шундай экскаваторларнинг иш унумдорлиги кон устини очиш разрезида 800 минг кубометр, кўмир разрезида 500 минг тоннани ташкил қилади. Кўриниб туриптики, бирхилдаги техникадан табиий шароити нисбатан яхши бўлган Оҳангарон ҳавзасида Ўрол ва Қарағандадаги кўмир конларидагига нисбатан 25—30 процент кам фойдаланилмоқда.

Бу шунинг оқибатида юз бердики, кўпгина корхона раҳбарлари, хусусан трест раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Савченко, бош инженери ўртоқ Соловьев) қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлардан ўрнисиз мағрурланиб кетдилар. Кўпгина инженер-техник ходимлар ўз ишларининг натижаларига ижодий ёндошмадилар, ўзлари раҳбарлик қилаётган корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини чуқур анализ қилмадилар. Иттифоқимиздаги илғор кўмир корхоналарида яратилаётган ва ишлабчиқаришда кенг қўлланилаётган ҳарбир янгиликни, илғор иш усулларини ўзларида жорий қилиш устида кам бош қотирдилар. Трест раҳбарлари корхоналарга оператив ва жонли раҳбарлик қилиш ўрнига қоғозбозлик ҳамда телефонбозлик блан кўпроқ шуғулланадилар. Масалан, биргина апрель ойининг ўзида трест раҳбарларининг талабига мувофиқ кўмир разрезининг раҳбарлари турли хил 120 та ёзма ма'лумот берганлар.

Трест корхоналарининг ишини ҳартарафлама анализ қилиб кўрилса, шу нарса ма'лум бўладики, ҳатто энг яхши кўрсаткичларга эришган корхоналарда ҳам жуда катта ички резервлар фойдаланилмай қолиб кетмоқда. Масалан, кўмир разрезини олиб кўрайлик. Бу ерда экскаваторларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бунинг сабаби шундаки, машиналар ўз вақтида сифатли ремонт қилинмайди. Наридан—бери, чала-чулпа ремонт қилинган экскаваторлар кўп ўтмай яна ишдан чиқади. Трест техника та'минот бўлими (бошлиғи ўртоқ Глинка) машиналарни ремонт қилиш учун зарур бўлган қисм ва детальларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Бу камчиликлар тугатилса, ҳарбир экскаваторнинг бир сменадаги иш унумдорлигини бирнеча ўн тоннага ошириш мумкин бўлади.

Шунингдек, разрездаги анчагина экскаватор машинистлари кундалик смена топширигини бажармаётирлар. Фақат разрезнинг биринчи участкасининг ўзида (бошлиғи ўртоқ Старостенко) биринчи кварталда 25 процентга якин ишчи ўз нормасини бажармаган. Разрез хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари ўртача курсаткичлар блан қаноатланиб қолиб, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришдаги жуда муҳим резервга, я'ни қолоқ ишчиларни илғорлар қаторига етказиш ва шу асосда умумий юксалишга эришиш масалалари блан етарли шуғулланмаётирлар. Ёрдамчи хўжаликларда ишлаётган ишчиларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетган. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга жуда катта салбий та'сир кўрсатмоқда.

Кон устини очиш разрезида мавжуд механизмлардан фойдаланиш, айниқса, қониқарсиз аҳволда. Бу ерда ҳам экскаваторлар ҳар сменада 3—4 соатлаб тўхтаб қолмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги пасаймоқда. Разрез раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Суслов, бош инженери ўртоқ Роммэ) темир йўл ётқизиш ишларида жуда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Масалан, шаллар тагига шағал ётқизиш ўрнига, кўмир ётқизмоқдалар. Бу эса составларнинг бир ме'ёрда хавфсиз ҳаракат қилишига тўсқинлик қилмоқда.

Агарда Қарағанда кончилари 8 соат ичида 400—500 метр масофага темир йўл ётқизсалар, кон устини очиш разрезида шунча миқдор ишни бажариш учун 30, ба'зида эса 40 соат вақт сарфланади. Бу шунинг оқибатида юз бердики, меҳнатни ташкил этиш ёмон уюштирилган. Шу сабабли разрезда 4 ойлик план бажарилмади, белгиланганидан 42 минг кубометр кам тош-шағал ишлари бажарилди. Разрез раҳбарлари бу соҳадаги камчиликларни тугатиш учун қардош Қозоғистон республикасининг кончилари тўплаган бой тажрибаларини ўрганишлари ва уларни ўзларида жорий қилишлари керак.

Разрезда экскаваторларнинг иш унуми Урал ва Қарағанда конларида ишлаётган экскаваторларнинг иш унумидан 30 процент камдир. Бунга сабаб шуки, ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялашга кам э'тибор берилмоқда. Илғор ишчилар ёрдами блан думпкарларнинг кузовига тош-шағалларнинг ёпишиб қолишининг олдини олиш имкониятини беручи махсус усул ишлаб чиқилган эди. Аммо бу усул шу вақтгача амалга ошмай қолиб келмоқда. I кварталнинг ўзида думпкарлар кузовига ёпишиб қолган ва разрездан отвалга, отвалдан разрезга ташиб юрилган тош-шағал миқдори 35 минг кубометрни ташкил этади.

Трестга қарашли 9-нчи шахтада ҳам кўпгина камчиликлар бор. Кейинги 2 —3 йил ичида шахтада кўмир қазиб чиқариш миқдори деярли ўсмаётир. Шу кунгача шахта проект қувватини 76,6 процента ўзлаштирилган, холос.

Меҳнатни ташкил қилишнинг илғор ва прогрессив методи ҳисобланган цикли график ишлабчиқаришда жуда суст қўлланилмоқда. Шу сабабли шахтада меҳнат унумдорлигининг ошиши деярли сезилмаётир. Агарда Қарағанда шахтасида ҳарбир ишчи ўрта ҳисобда ойига 60 тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқарса, 9-нчи шахтада бу кўрсаткич 32 тоннани ташкил этади, холос. Бунинг сабаби мавжуд механизмларнинг қувватидан жуда қониқарсиз фойдаланилаётганидир. Кўпгина ишлар, жумладан, ёғоч етказиб бериш процесслари ҳалигача механизациялаштирилмаган. Шахта бошлиғи Хвостов ва бош инженери Мавашев ўртоқлар мавжуд камчиликларни тугатиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга оид масалалар блан етарли шуғулланмаётирлар. Мавжуд механизмларга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш натижасида транспортёрлар, моторлар ва бошқа механизмлар тез-тез бузилиб туради. Бу эса ўз навбатида ишлабчиқариш графигининг бузилишига, участкаларнинг бир ме'ёрда ишламаслигига сабаб бўлмоқда.

Коммунистик партия совет кишиларини қўлга киритилган муваффақиятлар блан хотиржам бўлиб қолмасдан, балки бу муваффақиятларни меҳнат соҳасида янгиданянги ютуқлар блан мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаб келмоқда. Хўжаликнинг ҳамма соҳаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган ишга нисбатан ҳарбир ходимнинг жавобгарлигини ҳарқачонгидан ҳам ошириш, мавжуд техникадан имкони борича тўла ва унумли фойдаланиш, ишлабчиқаришга илғор технологияни кенг жорий қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун кураш—«Узбекуголь» трестининг хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Шахтёрларнинг талаби

Трест коллективи ички резервларни ишга солиш ва саноатимизга кўплаб юқори сифатли ёқилғи беришни та'минлаш учун бирқанча жуда муҳим ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларни амалга ошириш учун СССР Кўмир саноати министрлиги ва «Средазуголь» комбинатининг раҳбарлари трест коллективига якиндан ёрдам бериши керак эди. Афсуски, бундай бўлмаётир.

Ишлабчиқариш процессларини тўла автоматлаштириш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим усулидир. Броқ трест коллективи бу соҳада мамлакатимиздаги илғор кўмир корхоналаридан анча орқада қолмоқда. Бу ерда асосий ишлабчиқариш процессларини юқори даражада механизациялаштириш ишлари блан ёрдамчи ишларни паст даражада механизациялаштирилганлиги ўртасида нисбат жуда каттадир. Механизациялаш комплекс асосда уюштирилмаганлиги ва кўмир чиқаришдаги асосий процесслардагина жорий қилинганлиги шахтёрларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга салбий та'сир қилмоқда. Масалан, экскаваторларнинг ремонт қилиш процессини олиб кўрайлик. Бу иш асосан жуда қолоқ ва кустарь усулда бажарилади. Натижада бажарилган ишнинг сифати ниҳоятда паст бўлади. Бу ҳол ишлабчиқаришга салбий та'сир кўрсатмасдан қолмайди. Бундан «Средазуголь» комбинатининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Лебедков) жуда яхши хабардор бўлсалар ҳам, бу соҳада трест коллективига амалий ёрдам бериш масалалари блан жиддий шуғулланмаётирлар.

Шахтёрлар комбинат раҳбарларига ремонт ишларининг сур'атини ва сифатини кескин равишда ошириш имкониятини беручи узловой методни жорий қилишни таклиф қилдилар. Бунинг учун комбинат раҳбарлари шахтёрларга экскаваторлар учун запас қисмларни комплект тарзда етказиб бериши керак эди. Трест коллективининг таклифи амалга ошганда эди, мавжуд машиналарнинг фойдали коэффициентини ҳозирги 53 процентдан 70 процентга етказиш мумкин бўларди. Бу ёқилғи қазишни ўрта ҳисобда 15 процент ошираради.

Трестда лентали транспортёрларни дистанцион усулда бошқаришга кўчириш ҳақида бирнеча йилдан бери гапирилади. Комбинат раҳбарлари бу усулни амалга ошириш имкониятини беручи зарур аппаратураларни етказиб бериш ҳақида ҳар йили ва'да берадилар. Меҳнат унумдорлигини камида 10 процент ошириш, ёрдамчи ишлардаги ишчилар сонини анча қисқартиш имкониятини беручи бу тадбирни амалга ошириш учун комбинат раҳбарлари етарли ҳаракат қилмаётирлар.

Йўл қурилиши хўжалигида ҳам кўпгина ишлар қўл кучи блан бажарилади. Чунки бу ерда энг зарур асбоб-ускуналар, чунончи: электрорельсорезний, рельсосверлельний, зазороразчоничний каби энг зарур станоклар, кўтарма кранлар ва бошқа механизмлар йўқ. Бу эса ўз навбатида ишлабчиқариш процессларини тўла механизациялашга имконият бермаётир.

Шахтадаги иш процессларини тўла равишда автоматлаштириш ҳақида ҳам кўп йиллардан бери гапирилади. Шахта коллективи иш процессларини тўла автоматлаштириш имкониятини беручи тадбирларни ҳар йили ишлаб чиқади, комбинат раҳбарлари бу тадбирларни кўриб, ҳар йили тасдиқлайдилар. Аммо уларни амалга ошириш имкониятини беручи аппаратуралар ва бошқа механизмларни етказиб бермаётирлар. Жумладан, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш имкониятини беручи ёғоч крепельникларни металл крепельниклар блан алмаштириш, транспортёрларни энли лентаар блан та'миналш каби муҳим тадбирлар шу кунгача амалга оширилмай қолмоқда.

Ма'лумки, мамлакатимиздаги кўпгина шахталарда кўмир комбайнлари ишлатилмоқда. Оҳангарон шахтёрлари бундай комбайнларни ўзларида ҳам муваффақият блан ишлатиш мумкинлигини айтиб, комбинат раҳбарларидан бу масалани Министрлик олдига қўйишни илтимос қилдилар. Кўмир комбайнлари 1954 йилнинг июль ойидан бошлаб Ўзбекистон шахтасида ҳам ишлатилиши керак эди. Броқ комбинатдаги ўртоқларнинг Министрликдан қаттиқ талаб қилмаётганлари туфайли кўмир комбайнлари шу кунгача ҳам келтирилгани йўқ.

Комбинат раҳбарлари Оҳангарон шахтёрларининг ахтиёжларини пухта ўрганишлари ва уни қондириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришлари керак.

И. СУЛАЙМОНОВ,
А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Узбекистон шахтёри» газеталарининг рейд бригадаси.

Ғўзани тез ривожлантириб, уни эрта шоналашга киритайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Бекободдан гапирамиз

БИР ЎЖАР, БИР ИНЖИҚ ВА БИР МАНМАН ҲАҚИДА

Бекобод район иккинчи МТС директори Омон Ҳасанов блан Будённий номли колхоз раиси Маматқул Холиқуловлар ўзаро ўчакишиб юрадилар. Улар бир-бирига сра ён беришни истамайдилар. Улар ўртасидаги бундай муносабат, Гогольнинг Иван Иванович блан Иван Никифоровичини эслатади. Холиқулов ҳамиша Ҳасановдан шикоят килади. Ҳасанов эса раисдан зорланади. Кейинги икки йил мобайнида уларнинг бундай ҳаракатлари яна авжга чиқди. Ҳасанов ўчакишиб кўп вақт раиснинг талабини қондирмаса, раис кўп вақт Ҳасановнинг талабини қондирмайдиган бўлиб қолди. Ба'зан Холиқулов «23 йилдан бери раис бўлиб бўнақанги директорни сра кўрмаганман» деб хасрат қилса, Ҳасанов «Умрим бино бўлиб бунақа ўжар одамни кўрганим йўқ» деб нолийди. Уларнинг бири ўжар, бири инжиқлиги блан қўрабила туриб колхоз, давлат ишига зарар етказаётирлар.

Ўтган йили Ҳасанов Холиқуловга ўчакишиб Будённий номли колхозга ажратилган тракторларни бошқа колхозларга бериб юборди. Колхозда иш анча сусайиб қолди. Ҳасановнинг бундай нотўғри ҳаракати январь ойида бўлган район партия конференциясида қаттиқ қораланди. Лекин шундан кейин ҳам Ҳасанов блан Холиқуловлар тинчишмади.

Будённий номли колхоз а'золари бу йил 966 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Бунинг учун улар астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Лекин Холиқулов блан Ҳасановларнинг жанжали колхозчиларнинг зўр интилишларига ҳалақит берастир. Жумладан, Ҳасанов колхозда қатор оралариии ишлаш учун 9 ўрнига 6 та культиватор ажратган бўлса, Холиқулов Ҳасановга ўчакишиб 20 гектар ерга ҳалигача чигит экмай келмоқда. Чигит экилиши лозим бўлган бир бўлак ерга шоли экиш учун сув қўйиб юборилди.

5 майда район партия комитетининг бюросида Будённий номли колхозда чигит экишнинг кечиктириб юборилгани муҳокама қилинди. Унда Ҳасанов блан Холиқуловнинг партия ва давлат интизомига зид хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланиб, колхозда чигит экишни дарҳол тамомлаш топширилган эди. Аммо Будённий номли колхозда чигит экиш плани ҳамон бажарилмай қолмоқда.

Бекобод районида бундай ўжар ва қайсарлардан ташқари яна ўринсиз тумшуги осмонга кўтарилиб кетган, партия ва давлат интизомига бўйсунмай қўйган, ўзбошимчалик блан иш қиладиган айрим раҳбарлар ҳам бор. Молотов номли колхоз район марказига — шаҳарнинг ёнгинасига жойлашган. Шаҳар меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари блан асосан шу колхоз та'минлаши лозим. Шу мақсадда бу колхозга сабзавот экиш тўғрисида топшириқ берилган. Буни колхознинг умумий мажлиси ма'қулланган. Аммо колхоз раиси Н. Игнатенко ўз билганича иш тутабошлади, у сабзавот экиш лозим бўлган ерларга пол олдириб шоли экишга ҳозирлаб қўйди. Шунинг учун 22,5 гектар ўрнига 9,5 гектар ерга қизилча, 15 гектар ўрнига 6 гектар ерга пиёз, 13 гектар ўрнига 0,5 гектар ерга сабзи, 22 гектар ўрнига 1 гектар ерга қарам, 10 гектар ўрнига бирярим гектар ерга помидор ва 9 гектар ўрнига 3 гектар ерга бодринг экилди, холос. Сабзавот учун ажратилган ернинг 34 гектарига бошқа экин экиб юборилиб, сабзавот экиш плани барбод қилинди.

Яқинда Игнатенконинг бундай хатти-ҳаракати район ижроия комитетида муҳокама қилинди. Лекин бурни кўтарилиб, ўзини йўқотиб қўйган бу раис район ижроия комитетини менсимасликка борди. Гўё бу раиснинг ишини район ижроия комитетининг президиуми муҳокама қилишга ҳақи йўқдай, «менинг ишим райком бюросида муҳокама қилинсин», деб безбетлик қилабошлади. Бекобод районида мана шундай манманлашиб кетган айрим раҳбарлар партия ва давлат интизомини бузиб, экин планларининг бажарилишини та'мин этмаётирлар.

ҒЎЗАНИНГ ДАСТЛАБКИ ПАРВАРИШИ ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА

Бекобод районидаги ўртоқлар, бу йил баҳор об-ҳавосининг ноқулайлигига қарамасдан, чигит ҳар йилгидан эрта экилганини такиллайдилар. Тажрибали пахтакорлар эрта униб чиққан ғўзалар ўз вақтида парвариш қилинмаса унинг кеч экилган, кеч униб чиққан ғўзалардан фарқи бўлмайди, дейдилар.

Пахтадан мўл ҳосил олиш учун астойдил курашаётган, ўз ишининг кўзини билган пахтакорлар ғўзанинг дастлабки парваришини қисқа муддатда ўтказиш учун қизғин иш олиб бормоқдалар, квадрат-уялаб чигит экилган майдонларда қатор оралариии узунасига ва кўндалангига ишлашни бошлаб юбордилар. Биз Ленин номли колхознинг ўртоқ Холматжон Қўлдошев бошлиқ бригада ерларида бўлдик. Бу ерда ғўза парваришн қизғин давом этмоқда. Бригада а'золарининг, 124 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили олиш учун астойдил курашаётганлари уларнинг ҳаракатларидан, ишларидан сезилиб турипти.

Бу бригаданинг 35 гектар ерига квадрат-уялаб чигит экилган. Ғўза қатор оралари иккитомонлама культивация қилиниб, ягана сифатли ўтказилганидан 60х60 схемасидаги яшил квадратлар худди шахмат тахтасидай кўзга яққол ташланиб турипти. Торқаторлаб чигит экилган 19 гектар ердаги ғўза кўндалангига 60х45 схемасида машина блан ягана қилинган. Мана шу ерларда Ғаипова блан Боғлон Эсантўраева, опа сингил Боҳар блан Гулқиз Қолдибоевалар пар-пар бўлиб ягана қилмоқдалар. Уларнинг ҳарбирининг қўлида 45 сантиметрли ўлчов, 50 метрдан каноп бор. Улар машина блан ягана қилинган қаторларга каноп тортиб, уядаги тупларни ростлаб, букетламоқдалар. Ҳозир бу бригадада ғўза яганаси тамом бўлай деб қолган.

Лекин райондаги кўп колхозларда ғўза парваришн шу хилда тўғри ташкил этилмаган. Бу муҳим ишга МТС раҳбарлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам ҳали жиддий киришмаганлар. Яқинда 1-нчи МТС зонасидаги «Большевик» колхозида торқаторлаб чигит экилган ерларда ғўзани машина блан яганалаш, букетлаш ҳақида амалий машғулот ўтказилмоқчи бўлди ва машғулотнинг соат 10 да бошланиши хабар қилинди. Кўшни колхозлардан кўпгина киши белгиланган кун ва соатда «Большевик» колхозига келдилар. Лекин машғулот ўз вақтида бошланмади. Чунки, трактор ва культиватор ишга тайёрланмаган эди.

— Бизнинг шу ерга келишимиз ҳақида топшириқ бўлди-ю, қандай тайёрлик кўриш ҳақида ҳечким бирнима демади, — деди, тракторчи Эшонқулов.

МТСнинг бош инженери Столовский блан бош агроном Чимихола соат салкам ўн иккида етиб келдилар. Тайёрлик кўрилгунча соат 2 бўлди. Шунча одам машғулот бошлангунча бехуда вақт ўтказишга мажбур бўлди.

Мана шу мисолнинг ўзидан ҳам 1-нчи МТСда ғўза парваришига қанчалик мас'улиятсизлик блан қараларганини кўриш мумкин. 1-нчи МТС зонасидаги колхозлар 6029 гектар пахта майдонига эга. Бу ерларни фақат машина блан яганалаш учун 35 та универсалга культиватор осилиши керак. Аммо 14 майгача фақат 12 универсалга культиватор осилган эди.

Айниқса, Будённий номли, «Большевик», Энгельс номли, Сталин номли ва бошқа бирқатор колхозларнинг далаларида ғўзалар яганадан қолиб кетмоқда.

АСОВ ОТЛАР, АСОВ ХУКИЗЛАР ҲАҚИДА

Бекобод районида ғўзанинг дастлабки парвариши судралаётганлигининг яна бир сабаби шуки, колхозларда мавжуд ички резервлардан фойдаланишга жуда кам э'тибор берилмоқда.

Район план бўлимининг ма'лумотларига қараганда, райондаги колхозларда 2548 от, 1863 хўкиз бор. Бу уловлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Лекин кўпгина колхоз раҳбарлари бунга э'тибор бермаётирлар. Кўп ҳолларда колхозлардаги отлар, хўкизлар ем-хашакларни бекорга еб ётадиган текинхўр бўлиб қолмоқда. Будённий номли колхозда 180 от, 16 хўкиз бор. Лекин ғўза парваришида колхоз қисман отлардан фойдаланса ҳам, лекин кўпчилик улов бекор турипти. «Социализм», «Янгиобод», Ворошилов номли колхозларда эса иш ҳайвонларидан мутлақо фойдаланилмаётир деса бўлади. Агар колхозларда иш ҳайвонларидан тўла фойдаланилса ғўзанинг дастлабки парваришини анча тезлатиш мумкин бўларди. Броқ нима учундир колхоз раҳбарлари ҳам район раҳбарлари ҳам бу ишга э'тибор бермаётирлар.

Айрим колхоз раҳбарлари хатто от, хўкизларимиз асов, қўшга юрмайди, деган кулгили гапни айтишдан ҳам тоймайдилар.

Бекобод Тожикистоннинг Нов районига туташ. Биз Нов районидаги Сталин номли, Ворошилов номли колхоз далаларида бўлдик. Бу колхоз далаларида иш қайнамоқда. Бу йил колхозларнинг а'золари уч марта чигит экдилар. Улар ноқулай об-ҳаво оқибатларини енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бу колхозларнинг далаларида трактор моторларининг гуриллаган овозлари бир-бирига қўшилиб жўр бўлмоқда. Далани яна ҳам салобатли қилиб кўрсатмоқда.

Шу блан бирқаторда бу колхозларнинг далаларида от, хўкизлардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Ғўзалар от ва хўкиз блан ҳам культивация қилинмоқда.

— Трактор деҳқончиликнинг артилерияси, иш ҳайвонлари пулемети деса бўлади, — деди Сталин номли колхоз раиси, Тожикистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Жумабой Ҳакимов, — шунинг учун биз иш ҳайвонларидан, айниқса майда, трактор юриши қийин бўлган ерларда кенг фойдаланмоқдамиз. Ўтган йили иш ҳайвонларидан унумли фойдалана билганимиз учун тракторга сарф бўладиган ҳаражатдан 600 минг сўм тежадик.

Лекин бекободли ўртоқлар иш ҳайвонларидан фойдаланиш тўғрисида Тожикистонли қўшниларидан сабоқ олмаётирлар. Тўғриси, колхоз ишига ма'лум даражада ёрдам бериши мумкин бўлган бу кучни писанд қилмаётирлар. Улар отларни «тиншлогич», хўкизларни «сузонгич» қилиб қўйганлар.

Қиссадан ҳисса шуки, Бекобод районидаги айрим раҳбарларнинг ўжарлиги, қайсарлиги, манманлиги дала ишларини тўғри ташкил этишга қаттиқ ҳалақит бермоқда. Мавжуд ички резервларнинг тўла ишга солинмаслиги ғўза парваришининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Район партия комитети ва район ижроия комитети ҳозирги ишларнинг боришига ҳалақит берастган зарарли қайфиятларга зарба беришлари ишда қат'ий бурилиш ясашга эришишлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ.

Илғор бригаданинг муваффақиятлари

Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхознинг Эргаш Соатов бошлиқ бригада а'золари бу йил чигит экишни барвақт тамомладилар. Чигит куз ва қиш даврида сифатли шудгор қилинган, бўрсиллаган ерларга экилганлиги учун жуда тез ва бехато униб чиқди. Бригада а'золари ғанимат кунлардан унумли фойдаланиш мақсадида ғўза парваришини эрта бошлаб юбордилар. Ҳозир 60х45 схемаси бўйича экилган 78 гектар ердаги ғўзанинг 75 процанти биринчи культивациядан чиқарилиб, сифатли чопиқ қилинди.

Бригада а'золари ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ўз ахдларини тўла бажариш мақсадида механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Этатлардаги яхши парвариш қилинган ғўзаларнинг гурҳураб ўсаётганлиги мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

— Бизнинг бригадамиз а'золари,— дейди бригада бошлиғи ўртоқ Соатов,— бу йил биринчи марта янги, прогрессив усулда чигит экдилар. Ҳамкорликда ишлаш, илғорлар тажрибасига суяниш ишимиздаги барча қийинчиликларни енгиб чиқди ва биз ,ўза парваришида яхши натижаларга эришдик. Энди, бизнинг олдимизда турган муҳим вазифа — биринчи парваришни эрта тамомлаб, ғўзаларнинг иккинчи парваришини тезда бошлаб юборишдан иборатдир.

Б. ТЕШАБОЕВ.

Пахтакорлар учун янги тракторлар

ЭСКИ-ТОШКЕНТ, 18 май. (ЎзТАГ). СССР Қишлоқ хўжалик институтининг Ўрта Осиё машиналарни синаш станциясида ғўза парвариши учун ишлатиладиган чопиқ тракторлари ва ўзгартирилган тракторларни синаб кўриш бошланди.

Шу станциянинг директори Д. И. Шмелёв ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Саноат корхоналарининг коллективлари партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажариб, мамлакатнинг пахтакор районлари учун янги ва иш унуми юқори машиналар ишлаб чиқармоқдалар. Бу машиналар ёнилғини кам сарфлайди. Ҳозирги вақтда станциямизнинг мутахассислари ғўза парвариши учун мослаштирилган тракторларнинг уч хилини синовдан ўтказмоқдалар. Булардан бири Липецк заводида ишланган ЛТЗ — Т—40 маркали трактор бўлиб, у 60 ва 45 сантиметр кенгликдаги қатор оралариии ишлашга мўлжалланган.

Шу заводда ишланган КДП—35—2 маркали иккинчи трактор ЛТЗ—Т—40 маркали тракторлан ихчамроқдир. Владимир трактор заводида ишланган ВТЗ—Т—24 маркали тракторнинг ғилдираклариига резина ўрнатилган.

Бу янги машиналардан чигит экишда, яганалашда, қатор оралариии узунасига ҳамда кўндалангига ишлашда, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотиш мақсадида ўтказилаётган чангалатиш ва дори пуркаш ишларида синаб кўрилмоқда. Синовлар бу тракторларнинг «Универсал» тракторидан икки баравар кучли ва унумли бўлганлитини, ёнилгини уч ҳисса кам талаб қилишини ва ёқилги ишлатиш жиҳатидан ўн марта арзон тушишини кўрсатди.

Янги тракторлар пахта ҳосилини машина блан йиғиб олишда, ғўзапояларни суғиришда ва бошқа бирқанча ишларда ҳам синаб кўрилади. Бу машиналарнинг қайсиларини кўпроқ ишлаб чиқариш мумкинлигини синов натижалари кўрсатади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг АХБОРОТИ

СССР Давлат хавфсизлиги органлари томонидан турк жосуслари Амит Қуртмоллаевич **Измайлов**, Оруж Гюльмали **Зейналов** (бошқача яна бир номи Султон Ёвуз) ва Котиб Собит **Асланов** (бошқача яна бир номи Ёзган Котиб) ушланди ва қамоққа олинди.

Ушланган вақтда жосуслар ёнидан четэлда ишланган ва ўқланган тўппончалар, заҳар солинган ампулалар, фотоаппарат, дурбин, компас ва бошқа хил жосуслик анжомлари топиб олинди. Бундан ташқари, **Измайлов** томонидан Кишинев шаҳрида яшириб қўйилган ва Америкада ишланиб, жосуслар учун махсус ясалган қабул қилучи-эшитдиручи радиостанция, турк разведка марказн блан радиоалоқаси қилиб турадиган шифрлар ва кодлар топиб олинди.

Ўтказилган текшириш натижасида аниқландики, крим татари бўлган **Измайлов** Совет Армиясида хизмат қилган вақтида жиноят қилган ва 1942 йил июль ойида душман томонига қочган.

1948 йилда **Измайлов** бошқа «кўчириб олиб кетилган шахслар» группасида Туркияга олиб кетилган, у бўерда Совет Иттифоқи территориясида қўпоручилик ишлари олиб бориш учун турк разведкаси хизматига олинган ва узоқ вақт давомида турк разведкаси офицери подковник **Жовид** бей раҳбарлигида қисқа тўлқинли радиостанциясида ишлаш, шифр ва кодлардан фойдаланиш, махфий белгилар блан ёзиш, жосуслик ма'лумотлари тўплаш усулларини, фотографиани, топографияни ва жосуслик ишининг бошқа хил усулларини ўрганган.

Измайловнинг айтишига кўра, жосуслик ишларига ўргатиш вақтида турк разведкасининг офицерлари унда совет халқига душманлик ва нафрат ҳиссини тўғдиришга муттасил равишда зўр бериб уриниб келганлар.

Жосуслик ишларини ўрганиш тамом бўлганидан кейин **Измайлов** Туркиянинг Синоп портидан махсус моторли қайиқда турк разведкаси томонидан балиқчи никоби остида Алушта шаҳри районига (Қрим области) юборилган.

Измайлов совет территориясига ўтгач айбига иқрор бўлиб тегишли органларга келмаган. Ҳолбуки у тегишли органларга келиб, ўз айбига иқрор бўлганида эди, ма'лум фойда келтирган ва ўзини оқлайолган бўлур эди, аммо у бирмунча вақт давомида турк разведкасининг жосуслик топшириқларини бажаришга ҳаракат қилиб келган.

Ушланган бошқа икки жосус: **Зейналов** (бошқа яна бир исми **Султон** Ёвуз) ва **Асланов** (бошқа яна бир исми **Ёзган** Котиб) турк гражданлари бўлиб, турк разведкаси офицери **Нажи** бей томонидан Совет Иттифоқига қарши қўпоручилик ишлари олиб бориш учун хизматга олинган.

Зейналов блан **Асланов** ҳам жосуслик методларига батафсил ўргатилганлар ва турк разведкаси офицерлари **Шукри** бей ва капитан **Диндор** бей томонидан қуруқликдаги чегара орқали СССРга ўтказилганлар. Бу офицерлар **Асланов** ва **Зейналовни** қурол блан, совет пули ва жосуслик топшириқларини бажариш учун зарур бўлган бошқа воситалар блан та'минлаганлар.

Ушланган вақтда **Зейналов** ва **Асланов** қуролли қаршилик кўрсатганлар.

Турк жосуслари бўлган **Измайлов, Зейналов** ва **Асланов** СССР территориясига ўтиш олдидан турк разведкасидан Қримдаги ва Закавказьедаги жуда муҳим саноат корхоналари, Совет Армияси ва Флоти қисмлари, ҳарбий аэродромлар ва мудофаа жиҳатидан муҳим бўлган бошқа об'ектлар ҳақида жосуслик ма'лумотлари тўплаш тўғрисида топшириқ олганлар.

Бу жосусларга қандай қилиб бўлса ҳам совет ҳужжатларининг асл нусхаларини қўлга туширш, истиқомат қилиш учун маҳкам жойлашиб олиш ва олинган топшириқларни бажаришга киришиш буюрилган. **Асланов** ва **Зейналов** Совет Иттифоқи ҳақида турк разведкасини қизиқтираётган ма'лумотларни тўплаганларидан кейин ўзлари мустақил равишда Туркияга қайтиб келишлари лозим бўлган. **Измайловга** эса турк разведкасига жосуслик информацияси бериб туриш ва СССРда қўпоручилик ишлари юзасидан яна кўрсатмалар олиб туриш учун ўзига берилган радиостанция орқали турк разведкаси блан шифрли алоқа ўрнатиш топширилган.

СССР суд органлари Амит Қуртмоллаевич **Измайловни**, Оруж Гюльмали ўғли **Зейналовни** (бошқа яна бир исми **Султон** Ёвуз) ва Котиб Собит ўғли **Аслановни** (бошқа яна бир исми **Ёзган** Котиб) айблаш ишини кўриб чиқиб ва уларнинг Совет давлатига қарши оғир жиноятлар қилганликларини ҳисобга олиб, СССР Олий Совети Президиумининг «Ватан хоинлари, жосуслар, қўпоручилар, диверсантларга нисбатан ўлим жазоси жорий қилиш тўғрисида» 1950 йил 12 январьдаги фармони асосида уларни олий жазога — отишга ҳукм қилдилар.

Ҳукм ижро этилди.

Пахта толасини яхшилаш масалаларига бағишланган кенгаш

Яқинда Тошкент Олимлар уйида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ишланаётган «Пахта толасининг физика-ким'ёвий ва технологик хусусиятлари» проблемасига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашга пахтачилик соҳасида илмий-текшириш ишлари олиб боручи ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Бунда юқоридаги масала юзасидан химия фанлари доктори, профессор Х. Усмонов, Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги институти пахта технологияси лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати М. Александров ва Физика-техника институти пахта физикаси лабораториясининг мудири Е. Петушковаларнинг доклади эшитилди ва муҳокама қилинди.

Пахта толасининг физика-ким'ёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш соҳасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий коллективи томонидан сўнгги йилларда катта ишлар қилинганлиги ва анчагина текшириш материаллари тўпланганлиги кенгаш қатнашчилари томонидан кўрсатиб ўтилди. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий-текшириш ишлари пахта толасининг технологик хусусиятларини ўрганиш, толанинг сифат состави ва структурасини ўрганиш ҳамда тола ва момуқдан фойдаланишнинг рационал йўлларини топишга йўналтирилгандир. Бу соҳаларда Фанлар академияси институтларининг олимлари халқ хўжалити учун қўплаб фойда келтирадиган амалий таклифлар киритилар.

Шу блан бирга, кенгашда «Пахта толасининг физика-ким'ёвий ва технологик хусусиятлари» проблемаси юзасидан олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари ҳали талабга тўла жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилди. Қилинаётган ишларда кўпинча ғўзанинг ўсишидаги физиологик процесслар ҳисобга олинмайди. Чигитни яни усулда квадрат-уялаб экилганда ва тупроқни новатор олим Т. С. Мальцев методи бўйича ишланганда толанинг ташкил топиш процесси ҳам етарли равишда ўрганилмаётир.

Кенгаш қатнашчилари томонидан қабул қилинган қарорда пахта толасининг физика-ким'ёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш ишларини комплекс равишда олиб бориш мақсадида олимлар блан қишлоқ хўжалиги илғорлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни кучайтириш, бу ишга ривожлана, биология, агротехника, агрометеорология ва бошқа соҳалардаги мутахассисларни кенг жалб қилиб, коллектив равишда илмий-текшириш ишлари олиб бориш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

ЁЗУЧИ ОЙБЕКНИНГ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Ўзбек совет поэзиясининг йирик вакили

Ўзбек совет адабиётининг отоқли арбоби, Сталин мукофотининг лауреати, академик Мусо Тошмуҳамедов (Ойбек)нинг номи Совет Иттифоқидаги барча халқларга ма'лумдир. Ойбек ўзининг 30 йиллик ижодий фаолияти даврида барча адабий жанрларда — поэзия, проза, драматургия, болалар адабиёти ва адабий танқидчилик соҳаларида самарали ижод қилиб келди. У салмоқли поэтик ижоди блан ўзбек совет поэзиясининг ҳам йирик вакили сифатида танилди. Ойбекнинг ижоди дастлаб поэзияда бошланиб, биринчи ше'ри 1922 йилда босилиб чиққан эди. Шу йиллардан бошлаб Ойбек поэзияда лирик ва йирик лироэпик асарлари блан ўзбек совет поэзиясининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келди.

Ойбек ўз ижодининг илк даврида мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Бу даврда миллатчи-буржуа ёзучилари ёш ўзбек совет адабиётининг Ойбек каби талантли кадрларини ўз та'сирларига олишга уриниб кўрдилар. Бу та'сир Ойбекнинг 1926 йилда босилган, «Туйғулар» номли биринчи ше'рлар тўпламига кирган айрим ше'рлардаги пессимизм, умидсизлик, тушкунлик каби кайфиятларда кўринди. Лекин шу даврда ҳам Ойбек «Ер кимники» каби совет воқи'лигини куйловчи, тўлақонли ше'рлари блан совет адабиёти позициясида маҳкам турди.

Партия ва ҳукуматимизнинг тарбиявий ишлари ва ғамхўрлиги туфайли Ойбек зарарли та'сирдан қутилди, унинг ижодий юксалишига кенг йўл очилди. Ойбек Тошкент ва Ленинграднинг олий ўқув юртларида ўқиди. Шу даврларда у социалистик ҳаёт моҳиятини чуқур англаб етди ва совет адабиёти принципларини зўр қониқиш блан ўзлаштираборди. Социалистик ҳаётимиз унинг дастлабки поэтик асарларидаёқ акс этаборди. Унинг ше'рларида ва поэмаларида эскилик блан янгиликнинг тўқнашиши ва янгиликнинг ғалабаси, социалистик турмушимизнинг кундалик янгиликлари ва бу янгиликларни оптимистик ҳис қилиш, янги совет кишилари ва уларнинг социалистик меҳнатдаги ғалабалари реалистик ифодасини топаборди. Социалистик жамиятнинг афзаллигини яхши тушунган шоир, синфий курашда, социалистик қурилишнинг ҳарбир участкасида ўзини тамошабин эмас, балки бу курашда ишчи ва деҳқонлар қатори актив жангчи деб билди ва ўз қалами блан бу курашнинг илғор сафида борди.

Курашди икки тўлқин
Қараб турайми?
Ёш тарихнинг темир қўлин
Четга бурайми?
Йўқ, болғалар, ўроқ сафи
ила бораман,
Ёнгин, кураш, жанглар сари
кўкрак очаман.

(«Товушим»).

«Кўнгил найлари» (1929 йил) ше'рлар тўплами блан Ойбек талантли совет шоири сифатида танилди ва шу йили бошланган мамлакатимизнинг бешйиллик хўжалик планларини қайноқ илҳом блан кутиб олди. Коммунистик партия раҳбарлигида тузилган ва совет халқининг қизғин ижодий меҳнати блан муддатидан илгари бажарилган бешйилликларнинг вазифалари ўзбек совет поэзияси ва шу жумладан Ойбек ижодида ҳам ўз ифодасини топаборди. Бешйиллик план асосида рўй бераётган социалистик воқи'лик ва совет кишиларининг кундалик ҳаётини сезгирлик блан чуқур ҳис қилган шоир Ойбек, бу даврнинг актуал темаларини ҳозиржавоблик блан қаламга олди. Қишлоқда коллектив ҳаётнинг вужудга келиши, унинг янгича меҳнатдаги порлоқ ғалабалари ва социалистик қишлоқ қиёфаси («Теримда», «Даладан далага», «Бригадир хотин»); мамлакатни индустриялаш ишларининг тез сур'ат блан давом этиши, бешйиллик план вазифаларининг бажарилиши («Бешйиллик план», «Завод», «Темир ҳақида», «Днепрострой»), маданий революция — шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизнинг юксалиши, миллий республикалар халқларининг ма'навий-маданий соҳадаги ғалабалари («Ўзбекистон», «Фанга юриш», «Қайтганимда»); ўзбек хотин-қизлари қаётидаги революция, уларнинг озодлиги ва социалистик қурилишдаги актив иштироклари («Комсомолка ишчи қизга», «Паттачи хотин») ҳақида шоир жуда кўп ше'рлар ёзди ва бу ше'рлар унинг «Маш'ала» (1932 йил) ше'рлар тўпламининг тематик мундарижасини ташкил қилди.

Ойбек «Фанга юриш» ше'рида 1920-нчи йилларда маданий ҳаётда юз берган воқи'ликларни акс этдиради ва меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиқаётган интеллигенсияни табриклайди. Кечагина «муштумзўр, ё бекнинг очкўз ҳам'ёни» учун тер тўккан қишшоқ синф вакилларининг «қалбларга тўр ёйган дин ўргимчаги»нинг «жаннат ва'даси»дан қутулиб, озод ҳаёт қўйнида яшаётганини завқ блан куйлайди. Кишилар ҳаётидаги бу ўзгаришларни чуқур ҳис қилган ва ундан илҳомланган шоир уларни марксизм-ленинизм буюк та'лимотини «фикрга, қонларга жойлаб», зулматга қарши ёркин социалистик ҳаётимизнинг ривожланишида «фанлар ўлкасида довонлар ошиш»га чақиради.

Фанларнинг сиз олтин маш'аласини
Юқори кўтариб темир қўлларда,
Ёқингиз асрлар зулматларини
Яратинг боғчалар саҳро-чўлларда.

Ойбекнинг «Днепрострой» (1930 йил) ше'ри социалистик қурилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалага — мамлакатни индустрлаштириш масаласига бағишланди. Ше'рда шоир социалистик индустриянинг дастлабки гигант иншоотларидан бири бўлган Днепр гидроэлектростанцияси қурилиши ва бунинг қурувчилари—«яратиш даврининг қаҳрамонлари» бўлган совет кишиларининг ажойиб меҳнат му'жизалари, енгилмас қудрат ва яратувчилик қобилиятларини тасвирлайди. Ше'рда Днепр қурилишининг халқ хўжалиги, халқнинг маданий ҳаёти учун бўлган аҳамияти, мамлакатнинг электрлаштирилиши перспективаси ҳаётий фактлар, содда, бадиий ифодаларда куйланади.

Ойбек ўз ижодининг дастлабки даврларидаёқ чуқур ва философик фикрловчи лирик шоир сифатида танилди. Ўз ижодининг камолатга эришувида Ойбек классик адабиёт ва халқ оғзаки ижодидан самарали та'лим олди. Улуғ рус ва жаҳон адабиётининг бой прогрессив традицияларини синчиклаб ўрганди. Классик рус адабиётидан А. Пушкининг «Евгений Онегин» поэмасини ва бошқа классик адабиёт дурдоналарини таржима этиш блан шоир рус адабиётидан ўрганишни янада чуқурлаштирди. Айниқса рус совет адабиёти Ойбек ижодининг шаклланиши ва юксалишига катта та'сир кўрсатди. Рус революцион адабиётининг асосчилари—М. Горький ва В. Маяковский ижоди Ойбек ижодига социалистик реализм, партиявий тенденциозлик, янги мазмун ва янги форма бағишлади. Воқи'ликка чуқур кирган ва унга совет адабиёти принциплари асосида атрофлича ёндошган шоир социализм даврининг буюк ғалабаларини катта поэтик полотноларда кўрсатишга киришди ва «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Дилбар давр қизи», «Ўч», «Навоий» каби қатор поэмалар яратди.

Ойбекнинг «Темирчи Жўра» (1933) поэмаси ўзбек совет поэзиясида социалистик реализм адабиётининг дастлабки йирик намуналаридан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Поэмада Ўзбекистонда гражданлар уруши ва ўзбек ишчи синфининг Октябрь социалистик революциясини ёқлаб эксплуатацияга, зўрлик ва босмачилик ҳаракатига қарши кураши ифодаланди. Поэма мундарижасидаги революцион ҳаракатда темирчи Жўра ва ишчи Турсун образлари гавдаланади. Бу образларнинг динамик ўсиши ва улар тушунчасидаги эволюцияда шоир ўзбек меҳнаткаш оммаси онгида революцион руҳнинг революциядан илгариёқ туғилганлигини кўрсатади. Ишчилар синфининг қида революцион активлигини, революцияни ҳурсандчилик блан қарши олиб, унинг душманларига қарши қаҳрамонона курашларини тасвирлайди. Темирчи Жўра эксплуатация тузоғи—дин ан'аналарига қарши кураш блан яшайди, бойлар, руҳонийларни менсимайди. Шунинг учун руҳонийлар унга «Жўра кофир» деб лақаб берадилар, У, «Минг сажда қил, пешонага ёпишмас бир чақа асло» деб революцион руҳда яшайди ва революцион курашда, душманларга қарши жангда ҳалок бўлади. Поэма оптимистик руҳда тугайди. Жўра қаётдан кетатуриб ҳам янги ҳаёт учун кураш ғоясида содиқ қолади ва сафдошларини курашни охирига етказишга, узил-кесил ғалаба қилишга чақиради.

Турар яна, ғазаб қайноқ
Кучи синиқ, йиқилар эр.
Кучоқлар-кан уни ўртоқ
Қўли блан: жангга бор!—дер.

Ойбек 1930-нчи йиллар давомида яна қатор поэмалар яратди. Хотин-қизлар озодлиги ва унинг душманларига қарши кураш темасида «Дилбар давр қизи»; камбағал табақа вакиллари—қаҳриқий севгучилар Холхўжа, Ла'лихон блан бу севгига тўғон бўлган Ҳошимбойвачча ўрталаридаги конфликт замирида синфий курашни тасвирловчи «Ўч»; ўтмишдаги хотин-қизларнинг аянч тақдири, эксплуататор синф томонидан уларнинг ҳуқуқларининг поймол қилиниши ва меҳнаткаш халқнинг орзу-истакларини ифодаловчи халқ эртаклари асосида яратилган «Бахтигул ва Соғиндиқ» каби поэмалари блан Ойбек 1930-нчи йиллардаги ўзбек совет поэзияси тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Ойбек Улуғ Ватан уруши йилларида бадиий очерклар, публицистик мақолалар ёзди ва Улуғ Ватан уруши темасида «Ватан ҳақида», «Йигитларга», «Кўнлар келар», «Ойшахола», «Раиса» каби қатор ше'рлар яратди. Бу ше'рларда совет халқининг душманга нисбатан нафрати, фронт ва фронт орқасидаги оташин ватанпарварлиги акс этди.

«Қутлуг қон», «Навоий», «Олтин водидан шабадалар» романлари, «Покистон ҳаётидан олинган «Зафар ва Заҳро» поэмалари Ойбекнинг Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда ўзбек совет поэзиясига қўшган катта ҳиссасидир.

«Қизлар» поэмасида Ойбек урушнинг оғир йилларида ўзбек хотин-қизларининг колхоз ҳаётидаги ватанпарварлик ва фидокорона меҳнатларини ифодалади. Фарҳод ГЭС қурилишида қаҳрамонона хизмат қилиб қайтган беш колхозчи қиз Наэми, Дилбар, Олтиной, Ойжамол, Гулшанлар колхозда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашдилар ва бу йўлдаги қаршиликларни енгиб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатадилар. Бу ватанпарварлик меҳнатида уларнинг ички кечирмалари, интилишлари орқали Коммунистик партияга, халққа ва социалистик меҳнатга бўлган муҳаббат ва садоқатлари ифодаланади. Асарда айниқса қизлар образи катта маҳорат блан чизилган.

Партия ва ҳукуматимизнинг совет адабиётини ривожлантириш тўғрисида, унинг кадрлари тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли Ойбек ижоди ҳам кун сайин ўсди ва у ўзбек совет адабиётининг ҳар икки жанрида—проза ва поэзияда камолатга эришган йирик вакил сифатида танилди. Ойбекнинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятининг бошланганига 30 йил тўлиши муносабати блан ўзбек халқи бадиий сўз устаси, севимли ёзучисини табриклайди ва унинг ижодига я



И. В. Сталин номли Маданият ва истироҳат паркида кичик темир йўл линияси яна узайтирилди. **Суратда:** Болалар поезди янги линияда бормоқда.
Н. Меламед фотоси.

Ленин кунларига бағишланган кино-журнал

Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси улуғ Ленин туғилган кунининг 85 йиллигига бағишлаб бир бўлимдан иборат махсус кино-журнал ишлаб чиқарди. Бу картина ҳозир ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиниб, республикамизнинг область ва районларига юборилди.

Республикамизнинг пайтахти Тошкент ҳамда бошқа шаҳарлардаги кўпгина виставкалар бирин-кетин кўз ўнгимиздан ўтади. Буларнинг ҳаммасида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дун'ё меҳнаткашларининг севикли доҳиси ва йўлбошчисининг шонли ҳаёти ва буюк революцион фаолияти тўғрисидаги рангба-ранг ҳужжатлар акс этиб турипти. Улуг Ленининг номи тинчлик учун, демократия ва социализм учун, халқларнинг порлоқ истиқболи учун курашда барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг муқаддас байроғи бўлиб қолди. Владимир Ильичнинг гениал асарлари жаҳондаги барча тилларда, миллионларча тираж билан нашр этилган.

Владимир Ильич Ленин чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга жуда катта аҳамият берган эди. Ана шу гамхўрлик туфайли Совет Шарқининг маш'али — қуёшли республикамиз саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида оламшумул ютуқларга эришди.

Картинада улуг Ленин идеялари амалга ошаётганлиги кўрсатилади. Ленининг ГОЭЛРО плани бўйича республикамизда қурилган биринчи гидроэлектростанция — Тошкент яқинидаги Бўзсув ГЭСидир. Бу ГЭС бундан 29 йил илгари, я'ни 1926 йилнинг 1 Май куни биринчи марта электр қувват берган эди. Биз энди республикамизнинг узоқ бурчакларида, тоғ этакларида, ҳарбир кўча ва хонадонда ҳам Ленин чироқлари нур сочиб турганини кўрамиз.

Ленининг Туркистонда суғориш ишларини ривожлантириш тўғрисидаги декрети Ўрта Осиёда ирригацияни ривожлантиришнинг бош плани бўлди. Владимир Ильич иродаси блан вужудга келтирилган сув ва нур ўлкамизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Қақраган чўллар ва бкёбонларнинг обод қилиниши, Мирзачўлнинг гуллаб-яшнаши ҳам Ленин номи блан чамбарчас боғлангандир. Бу ерларнинг ҳаммасида энди янги обод посёлкалар, клублар, туғруқхона ва бошқа маданият уйлари борган сари кўпроқ қад кўтармоқда. Буларнинг ҳаммаси кино-журналда жонли ҳужжатлар мисолида тасвирлаб берилган.

Коммунистик партиянинг ленинчасталинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли маданиятимиз гуркираб яшнамоқда. Илгарги кичик Асака қишлоғи ўрнида энди Ленинск шаҳри вужудга келди. Бу ерда пахта тозалаш заводи, нефть, ганч ишлаш ва машинасозлик заводлари бор.

Тошкентдаги Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети ҳам Владимир Ильич Ленин декрети блан тузилган. Университетга Ленин чақириғи блан биринчилар қаторида профессор Евгений Петрович Коровин, профессор Михаил Александрович Орлов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси Александр Сергеевич Уклонский, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси Николай Леопольдович Корженевский ва бошқа рус олимлари келдилар. Бу совет олимлари республикамизда фан ва маданиятни янада гуллаб-яшнатиш, миллий кадрларни тарбиялаш соҳасида анчагина иш қилдилар.

Бундан ташқари киножурналда чорвачиликни юксалтириш ва янги ерларни ўзлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар кўрсатилади.

Картинани студиянинг операторларидан А. Раҳмонов, О. Турсунов ва Ш. Зоҳидов ўртоқлар суратга олганлар.

А. ПУЛАТ.

Редакция почтасидан

Бир аризадаги нуқсонлар

Муллахушвақт вақтичоғлик блан эрталаб уйдан чиқди-да, паспортини янгилатгани тўғри 15-нчи милиция бўлимига борди. У, паспорт столига кириб бораркан, тўсатдан Бек блан учрашиб қолди.

— Ҳа, Бегим, ҳорманг, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Паспортимнинг муҳлати ўтипти.

—Э, ундай бўлса иккимизнинг ишимиз ҳам шу ерда битар экан-да, — деди Муллахушвақт. — Юринг, ариза олайлик.

Улар кичкина дарчанинг ёнига бориб, тўлагина келган жувондан тепасига «Форма № 1» деб ёзиб қўйилган аризадан олишди. Ташқарига чиқиб аризадаги ёзувларга кўз югуртиришди.

— Бек, — деди пешанаси тиришиб Муллахушвақт, — мана бунга тушундингизми, «алмаштирингизни» дегани нима дегани?

— «Алмаштиришингизни» бўлса керак, хато қилишипти-да, — деди Бек, — Ўзим ҳам «органинг» сўзига тушунмай турибман, «органининг» эмасмикин?

— Ҳе, мана бу «хатинни», «качандан» сўзларини нима деб тушуниш керак? — деди фигон бўлиб Муллахушвақт.

— Тушунсак тушундик, йўқса паспорт столининг бошлиғидан сўраймиз-да! — деди зарда қилиб Бек.

Хуллас, икки биродар бу аризадаги чалакам-чатти ва хато ёзувларни ўқиб қаттиқ ранжишди.

— Паспортдек муҳим документни олишда, — деди, тажанг бўлиб Муллахушвақт,—тўлгазиладиган аризалар нечоғлик тўғри ва беҳато ёзилган бўлиши керак! Юринг Бек, кетдик.

Дарҳақиқат, «Форма № 1» деб аталучи бу «ариза»да элликдан ортиқ қўпол хатоларга йўл қўйилганки, буни асло кечириб бўлмайди. Аризада: «отасининг» сўзи «атасининг», «аҳоли» сўзи «оҳоли», «кўча» сўзи «куча», «ўзим» сўзи «узим», «ҳақимда» сўзи «хакимда», «ма'лумот» сўзи «молумат», «хотин» сўзи «хатин», «қачондан» сўзи «қачондон», «берилган» сўзи «берилгон» ва ҳоказо шаклида ёзилган. Бундан ташқари, «ёзув блан» дейишнинг ўрнига «хат блан» ва «ларга кўра...» каби нотўғри ва боши йўқ тўмтоқ жумлалар ҳам бор. Бу мантиқсиз жумлалар аризани тўлдириш пайтида фолбинга ўхшаб тусмол қилишга мажбур этади.

Ўзбекистон ССР милиция Бошқармасининг паспорт бўлими томонидан таҳрир қилиниб, жуда кўп имло хатолари бўлгани ҳолда чиқарилган бу аризани меҳнаткашларга тақдим этиш ҳурматсизлик эмасми?

М. ИКРОМОВ.

„Хатолик бўлади-да...„

Пассажирлар блан лиқ тўлган 33-нчи номерли автобус Революция скверидансекин жилди-да, Хлопмаш маршрути бўйлаб йўл олди. Ишлабчиқариш корхоналаридан, бозор ёки магазинлардан уйларига қайтаётган ишчи, хизматчи, ёш ва кекса йўловчилар билет олиш тараддуига тушдилар. Автобусда бола олиб ўтирган кекса аёл А. Назарова ниманидир англайолмаётгандай орқасига қараб кондукторга мурожаат қилди:

— Ўртоқ кондуктор, мен 1 сўм 50 тийин пул берган эдим, сиз 75 тийинлик билет берибсиз-ку?

— Нима фарқи бор, уйингизга етиб олсангиз бас эмасми, — истар-истамас жавоб берди Нина Кошелёва.

Кондукторнинг бу жавобидан нафратланган бошқа йўловчилар ҳам ўз қўлларидаги автобус билетларини текшириб кўрабошладилар. Ораликда тик турган студентлардан М. Мирхолдоров, А. Абдурашидов, С. Каримовлар ўзаро пичирлашдилар-да, ранжиганисимон Нина Кошелёвага савол бердилар:

— Бизга неча сўмлик билет бердингиз?

— Билетингизни ҳисоблаб кўринг, — қисқа жавоб берди кондуктор.

— Инсофсиз, уч кишидан 2 сўм 25 тийин юлиб қолипти-я, — деди жаҳли чиқкан студентлардан бири.

Йўловчиларнинг ҳақли талабларидан, нафратидан ташвишга тушган Кошелёва ўзини оқламоқчи бўлди:

— Хатолик ҳаркимда ҳам бўлади-да. Сизлар кўпчилик, мен бир ўзим. Буни ҳисобга олиш керак, ахир!

Тошкент автобус паркига қарашли «Революция сквери — Хлопмаш» маршрути бўйича қатнайдиган айрим автобусларда Нина Кошелёва каби кондукторларнинг ярамас ҳаракатлари содир бўлмоқда. Бундай одатларга чек қўйиш керак. Халқнинг талаби шу.

С. БОҚИЕВ.

ПОЛЬША СЕЙМИ САККИЗ ДАВЛАТНИНГ ВАРШАВА ШАРТНОМАСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

ВАРШАВА, 19 май. (ТАСС). Бугун Варшавада Польша Халқ Республикаси сеймининг еттинчи сессияси бўлди. Сессияга Болеслав Берут, Александр Завадский, Юзеф Циранкевич, Константин Рокоссовский ҳамда Польша Бирлашган ишчи партиясининг ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари келдилар. Меҳмонлар орасида Варшавадаги бирқанча давлатлар элчихоналарининг ва миссияларининг бошлиқлари ҳам бор эди.

Сессия қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади.

1. Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда тузилган шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги таклиф.

2. Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг составида ўзгартишлар.

3. Давлат кенгашининг Министрлар совети составида ўзгартишлар тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.

Кун тартибининг биринчи моддаси бўйича Министрлар совети раиси Ю. Циранкевич доклад қилди.

Сеймнинг ташқи ишлар комиссияси номидан сейм вице-маршали С. Кульчинский сўзга чиқди.

Докладлар юзасидан ўтказилган музокаралардан кейин сессия якдиллик блан қарор қабул қилди, қарорда бундай дейилади:

«Польша Халқ Республикаси сейми Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда имзоланган шартномани ратификация қилишга қарор қилади».

Сўнгра сессия Давлат кенгаши составида ўзгартишлар тўғрисида қарор қабул қилди ва Давлат кенгашининг Польша Халқ Республикаси Министрлар совети составида ўзгартишлар тўғрисидаги қарорини тасдиқлади.

Шу блан Польша сеймининг еттинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ПОЛЬША СЕЙМИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯСИДА

ВАРШАВА, 19 май. (ТАСС). Бу ерда сейм ташқи ишлар комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда тузилган шартномани ратификация қилиш масаласига бағишланган эди.

Комиссия сеймга шартномани ратификация қилишни якдиллик блан тавсия этди.

Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг ташқи ишлар комиссиясида

БЕРЛИН, 19 май. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Кеча Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг ташқи ишлар комиссияси Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг саккиз мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Варшавада тузилган шартномани ратификация қилиш ҳақидаги таклифни муҳокама қилди. Комиссия Халқ палатаси депутатларига Варшава шартномасини ратификация қилишни тавсия этди.

Япония блан ХХР ўртасидаги савдо муносабатларига доир

ПЕКИН, 19 май. (ТАСС). Токио радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам беручи япон ассоциацияси Хитой блан тузилган савдо шартномасини бажариш учун махсус ташкилот тузишга қарор қилди. Янги ташкилот Япония ташқи ишлар министрлиги блан, ташқи савдо ва саноат министрлиги, молия министрлиги блан алоқа қилиб туради.

Хитой блан Япония ўртасида тўлов битими тузишга тайёргарлик кўриш мақсадида тайёргарлик комитети, шунингдек Токиода ва Осакада Хитой товарлари виставкалари ташкил қилучи комитет тузилади.

Ливан бош министри Солихнинг баёноти

БАЙРУТ, 19 май. (ТАСС). «Телеграф» газетасининг хабар беришича, Ливан бош министри Сами Солих расмий баёнот бериб, Ливан Туркия-Ироқ ҳарбий пактига қўшилмайди, деган. Сиёсий партияларнинг ва ташкилотларнинг вакиллари Ливан ҳукумати бошлиғининг бу баёнотини табриклямоқдалар.

ДАНИЯ БЛАН СССР ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИ

КОПЕНГАГЕН, 19 май. (ТАСС). Кеча Копенгагендаги студентлар бирлашмасининг катта залида Данияниинг СССР блан Дания ўртасида ҳамкорлик жамияти Данияниинг гитлерчилар оккупациясидан озод қилинганлигига 10 йил тўлганлигига бағишлаб тантанали кеча ўтказди.

Жамият раисининг ўринбосари, Форькетинг депутати Альфред Иенсен кечани очиб, Совет Иттифоқига Данияни озод қилиш ишига қўшган ҳиссаси учун ташаккур билдирди. У, нацизмни тор-мор келтиришда Совет Иттифоқининг жуда катта роль ўйнаганлигини уқтириб ўтди.

Иенсен СССРнинг Даниядаги вакили И. Г. Сисоевга мурожаат қилиб (И. Г. Сисоев шу кечага келган эди), Данияниинг СССР блан Дания ўртасида ҳамкорлик жамияти а'золари номидан совет халқини табриклади. Зални лиқ тўлдириб ўтирган жамият а'золари ва меҳмонлар Иенсеннинг бу гапларини қарсаклар блан кутиб олдилар. СССР вакили И. Г. Сисоев совет халқи ша'нига дўстона табрик сўзлари айтилганлиги учун жамиятга ташаккур билдирди.

Кечанинг тантанали қисми тамом бўлгандан кейин «Берлиннинг таслим бўлиши» деган совет фильми кўрсатилди.

СССРНИНГ БМТ ҲУЗУРИДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ БМТ БОШ СЕКРЕТАРИГА МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 май. (ТАСС). СССРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонаси бугун БМТ бош секретари Хаммаршельд номига қуйидаги мазмунда мактуб юборди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги ваколатхонаси БМТ бош секретарига ҳурматини изҳор қилади ва шуни билдириш шарафига муяссардирки, Бош Ассамблеянинг ва Васийлик кенгашининг БМТ а'зоси бўлган давлатлар томонидан васийликдаги территорияларнинг туб аҳолисига билим олишда ёрдам кўрсатилиши зарурлиги ҳақидаги қарорлари муносабати блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати васийликдаги территорияларнинг туб аҳолисига Совет Иттифоқида билим олиш учун ўн стипендия бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ваколатхона СССР ҳукуматининг юқорида айтиб ўтилган қарори тўғрисида васийликдаги территорияларнинг манфаатдор бўлган шахслари ва ма'мурларини хабардор қилганлигингиз учун миннатдор бўлур эди».

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ ҲУЗУРИДА КРИШНА МЕНОН ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПЕКИН, 19 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: ХХР давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-лай 19 майда Пекинда Ҳиндистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги бош делегати, ҳозирги вақтда Хитойда бўлган Кришна Менон шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ҳиндистоннинг ХХР даги элчиси Рагхаван ва бошқа мамлакатларнинг дипломатик вакиллари, Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Чэнь И, Давлат кенгаши секретариатининг бошлиғи Си Чжун-сюнь, ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Чжан Вэньтянь, Чжан Хань-фу ва Цзи Пин-Фэй, Пекин шаҳри бошлиғи Пин Чжэнь, министрликлар ва идораларнинг мас'ул ходимлари, демократик партияларнинг ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар ва артистлар ҳозир бўлдилар.

БИВЕННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 19 май. (ТАСС). Рейтер агентлиги берган хабарда айтилишича, лейбористик партиясининг отоқли арбоби Эньюрин Бивен кеча сўзга чиқиб, агар Совет Иттифоқи тўрт давлат музокаралари давомида бирлаштирилган, бетараф ва қуролланмаган Германияни барпо қилишни таклиф этса, мен ўзим шахсан шундай таклифни ма'қуллаган бўлур эдим, деб айтган. «Хўш, консерваторлар ҳам шундай қилишга тайёрмилар? — деб савол берган у. — Улар ҳарқандай шароитда ҳам Германиянинг бетарафлантирилишига рози бўлмаймиз, деган принципни яна қиттиқ ушлаб қолмоқчиларми? Жуда кўп немислар қуролланмаган ва бетарафлантирилган Германияни барпо қилиш кераклигини айтмоқдалар, Германияда янги вермахтнинг вужудга келтирилишига бизнинг ёрдамлашмаслигимиз Англиянинг ва бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушмайдими, ахир».

«Агар биз ақли расо кишилар бўлсак,— деб давом қилган Бивен, — у ҳолда биз шуни э'тироф қилишимиз лозимки, агар биз ёппасига қуролсизланишни сиқидил блан истар эканмиз, кейинги 30 йил мобайнида икки марта жаҳон урушини бошлаб берган мамлакатни қуроллантирмаслигимиз керак».

Октябрь революциясидан кейин Совет Россияси теварагида «сиёсий карантин» вужудга келтиришга уринган эдилар, хитойлар теварагида ҳам мана шундай «сиёсий карантин» вужудга келтиришга уринишмоқда, — деб давом қилган Бивен, — давлат арбоблари учун ақлли иш бўлмас эди.

МИСР, СУРИЯ ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎРТАСИДА БИТИМ ТУЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

ҚОҲИРА, 19 май. (ТАСС). Газеталарнинг хабарларида айтилишича, Миср миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салим кеча сўзга чиқиб, ҳукумат Миср, Сурия ва Саудия Арабистони ўртасида тузилмоқчи бўлган ҳарбий-сиёсий битимнинг узил-кесил текстини тайёрлаш ишларини тамомлади, деб айтган.

Салоҳ Салим бундай деб уқтириб ўтган: бу битим «араб давлатларини четал та'сиридан қўриқлашга қаратилган. Туркия-Ироқ пакти тузилганлиги натижасида Ироқда четал та'сири кучайиб бормоқда».

КҲДР ЧЕГАРАЛАРИДА ҲАРБИЙ ПРОВАКАЦИЯЛАР

ПХЕНЬЯН, 19 май. (ТАСС). Кеча КҲДР ички ишлар министрлиги Жанубий Корея кемаларининг республика территориал сувларига доимо бостириб кираётганликлари ва республика территориясига лисинманчи агентларни юбораётганликлари ҳақида баёнот э'лон қилди.

Баёнотда, жумладан, билдириладики, 10 майда КҲДР территориал сувларига бир группа ҳарбий кемалар бостириб кирган. Бу кемалар Халқ армияси бўлинмалари ўққа тутгандан кейингина чекинганлар.

ТУРКИЯ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАҲДИД ҚИЛМОҚДА

БАЙРУТ, 19 май. (ТАСС). Байрутдаги турк элчиси Дюльгер Ливан президенти Шамун блан учрашган ва, журналистлар доирасида ма'лум бўлишича, Ливан бош министри Сами Солихнинг, Ливан Туркия-Ироқ ҳарбий пактига қўшилмайди, деб билдирган баёноти муносабати блан Туркия ҳукумати номидан «таассуф» изҳор қилган.

Дюльгер, агар Сурия Миср ва Саудия Арабистони блан иттифоқ тузадиган бўлса, Туркия «бунга бефарқ қараб туриш ниятида эмас» деб ҳам Шамунга айтган. Туркия элчиси, Туркия блан Ироқ Миср, Сурия ва Саудия Арабистони ўртасидаги иттифоққа Туркияга ва Ироққа қарши қаратилган пакт деб қарамоқдалар, деган.

ПОЛЬШАДА АМЕРИКА ЖОСУСИ УСТИДАН СУД

ВАРШАВА, 20 май. (ТАСС). Варшава гарнизон ҳарбий судида америка разведкасининг жосуси Адам Боричка устидан суд бошланди. Айбномада айтилишича, суд қилинучи Боричка 1954 йил июнь ойида Польша чегарасидан ўтган ва сўнгра Польша ма'мурлари томонидан ушланган. Унинг ёнидан тўпланган, сохта ҳужжатлар, валюта, заҳар, махфий белгилар блан ёзиш учун ишлатиладиган химия моддалари ва бошқа шу каби нарсалар топиб олинган.

Терговда аниқланишича, суд қилинучи Боричка Америка ва Англия разведкаларига хизмат қилаётган жосуслик ташкилотида а'зо бўлган.

Сурияда четэл империалистларининг кирдикорлари

Полковник Маҳмуд Сафо устидан ҳукм чиқарилди

НЬЮ-ЙОРК, 19 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан хабар беради: 18 майда Сурия ҳарбий суди Сурияниинг Вашингтондаги собиқ ҳарбий атташеси полковник Маҳмуд Сафони мамлакатда давлат тўнтариши уюштиришга уринганлиги учун 6 йил муддат блан қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Сурия армияси бош штаби бошлиғи штаб-квартирасининг баёнотида айтилишича, Маҳмуд Сафо «армияда тартибсизликларга васваса қилишда» айбланиб қамоққа олинган эди.

Исроил-Миср чегарасида можаро

ЛОНДОН, 19 май. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Тель-Авивдан хабар беради: 19 май эрталаб Исроил солдатлари бўлинмаси Газа районида Миср ҳарбий постига ҳужум қилган. Исроил солдатлари бу постдаги иншоотларни портлатганлар.

«СПАРТАК» КОМАНДАСИ ЮТҚАЗДИ

Шу йил 19 май куни Тошкент «Спартак» стадионида «Б» классда ўйновчи командаларнинг футбол бўйича СССР биринчилиги учун навбатдаги учрашуви бўлди. Бунда «Спартак» (Тошкент) ва «Ўрожай» (Олмаота) кўнгилли спорт жамиятларининг командалари учрашдилар.

Мусобақанинг биринчи ярмиданоқ ажойиб ўйнаган олмаоталилар ташаббусни қўлга олдилар ва рақибларига қарши кучли атака бошлаб, спартакчиларни ютдилар. Шундай қилиб учрашув 2:1 ҳисоби блан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ШАШКА МУСОБАҚАСИ

Саккизинчи турда спорт мастери Ёқубов Кругловни, В. Яковлев Темировни, Александров А. Яковлевни ютди. Спорт мастери Хейф — Гуляев, Қаҳ-Ҳасанов ўйинлари жиддий курашдан кейин дуранг бўлди. Берштейн Раппопорт устидан ғалаба қозонди. Шварц-Черкасский ва Яворский-Давидов ўйинлари дуранг бўлди.

Тўққизинчи турда Ёқубов Қаҳ устидан ғалаба қозониб, Александровнинг кучли ҳужумига бардош бераолмаган мусобақа лидери Хейфга етиб олди. Шварц Гуляев устидан ғалабага эришди. Темиров Яворскийга, Круглов Черкасскийга ютқазди. Давидов — А. Яковлев, Берштейн—В. Яковлев ва Ҳасанов — Раппопорт ўйинлари дуранг бўлди.

Шундай қилиб, тўққизинчи турдан кейин 7 тадан очкога эга бўлган Хейф ва Ёқубовлар олдинда бормоқдалар. Ҳасанов ва Александровлар 6 тадан ютуққа эга бўлдилар.

—0—

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз ўзгариб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 28—33 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА 21/V да **Қутлуғ қон**, 22/V да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Оғриқ тишлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/V да кундуз **Бахт соҳили**, 22/V да кундуз **Ромео ва Жульетта**, кечқурун **Галька.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/V да **Фарҳод ва Ширин**, 22/V да кундуз **Олтин кўл**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 22/V да **Булбул Мамедов концерти.** Ўзбекистон давлат филармониясининг симфоник оркестри қатнашади. Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Шамсиддинов. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 22 ва 24/V да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Юнус Ражабий** иштироки блан **концерт.** Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Ҳалима Раҳимова**, солист-ашулачи **Назрулла Ёқубов** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 9 яримда бошланади. Касса кеч соат 5 дан очилади.

23/V да СССР халқ артисти Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** иштироки блан **катта концерт.** Концерт кеч соат 9 яримда бошланади. Касса кеч соат 5 дан очилади.

«РОДИНА» эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Бой келин.**

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да **Эрнест Тельман—ўз синфининг фарзанди.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — янги бадиий фильм **Яшил води.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Темур ва унинг командаси**, кечқурун **Жонажон мамлакатимиз бўйлаб.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
21 майда
Р. Глиэр ва **Т. Содиқов** музикаси
ГУЛСАРА
4 парда, 5 кўринишли драма.
Спектакльда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Назира Ахмедова, Фотима Боруховa, Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Саттор Ярашев, Ксения Давидова** ва бошқалар қатнашади.
Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Толибжон Содиқов.**
Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 майда
СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор
БУЛБУЛ МАМЕДОВ ГАСТРОЛЛАРИ
Фортепианода — **А. Содиқов.**
Программада: композиторлардан Гажибеков, Рустамов, Ниёзий, Тигранян, Бобоев асарлари, Озарбайжон халқ қўшиқлари.
Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг дирекцияси, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент
Ғулом Бобожонович БОБОЖОНОВНИНГ
узоқ давом этмаган оғир касалликдан сўнг бевақт вафот этганлигини қайғу блан ма'лум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур та'зия билдиради.
Кўмиш маросими 22 майда ўтказилади. Марҳумнинг жасади қишлоқ хўжалик институти биносидан (Киров кўчаси) соат 14 да олиб чиқилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия ғурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими —38142.

Р. 04850. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурҳ» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр, № — 1438.